




Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Confederation



IWMI
International
Water Management
Institute

Сув Ресурсларини Мукаммал Бошқариш Лойиҳаси



<http://iwmr.icwc-aral.uz>

**СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАСИДА
ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ МАСАЛАЛАРИГА
ОИД ТАВСИЯЛАР**

Ташкент - 2011 г.

**СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУКАММАЛ БОШҚАРИШ
ЛОЙИҲАСИ
(ФАРҒОНА-СРМБ)**

**СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАСИДА
ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ МАСАЛАЛАРИГА
ОИД ТАВСИЯЛАР**

Тошкент - 2011 й.

Подготовлено к печати Научно-информационным центром МКВК в рамках проекта «Интегрированное управление водными ресурсами в Ферганской долине»

Издается при финансовой поддержке Швейцарского управления по развитию и сотрудничеству

Данная публикация никак не отражает точку зрения Правительства Швейцарии

Рекомендации по вопросам учета и отчетности в Ассоциации водопотребителей

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I. СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ	6
II. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЁТЛАР РЕЖАСИ	11
III. СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИНИНГ СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАРИ.....	21
IV. СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБ-КИТОБИ	23
4.1. Асосий воситаларни келиб тушиши	23
4.2. Асосий воситаларни сотиб олиш	23
4.3. Асосий воситаларнинг текинга келиб тушиши	25
4.4. Асосий воситалар амортизацияси	26
4.5. Асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказишнинг умумий қоидалари ва тамойиллари.....	27
4.6. СИУда сув иншоотларни қуриш учун қурилиш материалларини сотиб олиш ва харажатга чиқариш	33
V. СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН СУВ ХИЗМАТИ УЧУН ОЛИНГАН МАБЛАГЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ	34
5.1. СИУ ҳисоб рақамига фермер хўжаликлари томонидан ихтиёрий равища аъзолик бадали ўтказишни ҳисобга олиш	34
5.2. СИУ фермер хўжаликларига еткази берилган сув хизмати учун ҳисоб варақ фактура ёзиб бераб, пул олганда уни ҳисобга олиш тартиби	35
5.3. СИУларда аҳолига етказиб берилган сув хизмати учун олинадиган пулни ҳисобга олиш	36
5.4. СИУларда етказиб берилган сув хизмати учун натура ҳолда ҳисоб-китобни амалга ошириш	38
5.5. СИУлар балансида бўлган ички ариқларни фермер хўжаликлари томонидан тозалаганда қилинган сарф-харажатларни ҳисобга олиш	39

5.6. СИУ ишчи ходимининг фермер хўжалигидан бўлган қарзини фермернинг СИУ олдидағи қарзига қоплашни ҳисобга олиш.....	40
5.7. СИУ томонидан ишлаб чиқилган харажатлар сметасида киритилган захира фондини ҳисобга олиш.....	41
5.8. СИУлар бухгалтериясида ҳисобот даври охрида транзит счетлар ҳисобварағини ёпиш тартиби	42
VI. СУВ ИСТЕМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИ ТОМОНИДАН ЯНГИ ТЕХНИКА СОТИБ ОЛИШ УЧУН БАНКЛАРДАН ОЛИНГАН КРЕДИТЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ.....	44
6.1. СИУ томонидан банқдан олинган узоқ муддатли кредитлари ҳисобига техника сотиб олиш ва уни бухгалтерияда акс эттириш	44
VII. СУВ ИСТЕМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА Даъво ва тўлов муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш бўйича тавсиялар	46
VIII. БУХГАЛТЕРИЯ КИТОБИ ВА ҚАЙДЛАР	47
Фойдаланилган адабиётлар	50
1-ИЛОВА. ТУМАН СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИ.....	51
3-ИЛОВА. ТУМАН ХАЛҚ БАНКИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲИСОБОТ ШАКЛИ	76
2-ИЛОВА. ТУМАН СТАТИСТИКА БЎЛИМИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲИСОБОТ ШАКЛЛАРИ.....	77
4-ИЛОВА. ВИЛОЯТ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲИСОБОТ ШАКЛИ	86

КИРИШ

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлардан бири қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва соҳага хизмат кўрсатадиган бўғинлар фаолиятини янада такомиллаштириш ҳисобланади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган фермер ва дехқон хўжаликлари, уларга хизмат кўрсатадиган тизими барқарор ривожаланиб бормоқда.

Шунингдек, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжи учун сувдан оқилона фойдаланиш, республикадаги сув хўжалиги объектлари ҳолатини яхшилаш, сув истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 2009 йил 25 декабрда ЎРҚ-240 сонли қарори билан “Сув ва сувдан фойдаланиш” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрири қабул қилинди. Бугунги кунда ушбу қонунга мувофиқ сув истеъмолчилар уюшмалари тузилди. Дарҳақиқат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга хизмат кўрсатишда сув истеъмолчиларнинг ўрни ва аҳамияти кундан – кунга ошиб бормоқда.

“Сув ресурсларини мукаммал бошқариш – ФАРФОНА-СРМБ” лойиҳаси доирасида танлаб олинган туманларда фаолият юритаётган Сув истеъмолчилари уюшмаларининг молиявий-иктисодий салоҳиятини чуқур таҳлил қилиб чиққан ҳолда ушбу қўлланма лойиҳанинг Иқтисодий гуруҳи томонидан ишлаб чиқилди.

Ушбу қўлланма СИУларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини тўғри юритишга бағишланган.

I. СУВ ИСТЕМЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлардан бири иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, хусусан қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, фермерлик харакатини жадаллаштириш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатадиган соҳани шакллантириш ва уларда замонавий ҳисоб-китобларни жорий қилиш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, 1996 йил 30 августда **“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТҮҒРИСИДА”**ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун асосида “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари” ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда ушбу қонун доирасида мамлакатнинг барча тармоқларида, хусусан Сув истеъмолчилари уюшмаларида (СИУ) ҳам ҳисоб-китоблар олиб борилмоқда. Бироқ, айрим СИУларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлари талаб даражасида ташкил қилинмаган.



Шу нуқтаи назардан, СИУларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботлари қонун талаблари асосида ташкил этиш лозим. Бунинг учун “Бухгалтерия ҳисоби түғрисида”ги қонуннинг қўйдаги моддаларига қатиј таянган ҳолда иш юритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1. “Бухгалтерия ҳисоби түғрисидаги қонун ҳужжатлари” түғрисидаги 1-моддасига асосан СИУларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисбот тузиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

2. “Бухгалтерия ҳисоби мақсади ва вазифалари” түғрисидаги 2-моддасига асосан СИУларда бухгалтерия ҳисобининг мақсади СИУ раҳбари, кенгаш раиси, аъзолари ва бошқа сув истеъмолчиларни ташкилотнинг иқтисодий ҳолати билан ўз вақтида тўлиқ ва аниқ бухгалтерия маълумотлари билан таъминлашдир.

СИУларда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари:

❶ бухгалтерия ҳисоби ҳисоб варагларида активларни ҳолати ва ҳаракати, мулкий хуқуқлар ва мажбуриятларни ҳолати түғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

❷ самарали бошқариш мақсадаида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

❸ молиявий, солиқса доир ва бошқа ҳисботлар тузишдан иборат.

3. “Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш” түғрисидаги 7-модда талабларига асосан СИУларда бухгалтерия ҳисоби ва хисботини ташкил этиш раҳбар зиммасига юклатилади.

СИУ раҳбари қуидаги хуқуқларга эга:

❶ бош бухгалтер раҳбарлигига бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш;

❷ бухгалтерия ҳисобини юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига ёки таркибиға бухгалтерия субъекти ҳам кирадиган хўжалик бирлашмасининг марказлаштирилган ҳисобга олиш бўлимига юклаш;

❸ бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш.

СИУ раҳбари қуидагиларни таъминлаши шарт:

❶ ички ҳисоб ва ҳисбот тизими ишлаб чиқилишини;

❷ хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини;

❸ бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва аниқ юритилишини;

❹ ҳисоб-китоб хужатларини сақланишини;

❺ ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисбот тайёрланишини;

❻ солиқ ҳисботлари ва бошқа молиявий хужатлар тайёрланишини;

❼ ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини.

4. “Имзо ҳуқуқи” түғрисидаги 8-модда талабига асосан СИУ раҳбари пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган хужатлар, кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек бухгалтерия ҳисоблари ва балансларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган қуийдаги иккита рўйхатини тасдиқлайди:

❶ раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар;

❷ бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахслар.

СИУ раҳбари томонидан имзолаш ҳуқуқи берилган шахсларнинг имзоси бўлмаган хужатлар хақиқий ҳисобланмайди.

5. “Бошланғич ҳисоб хужатлари” түғрисидаги 9-модда талабига асосан СИУларда бухгалтерия ҳисоби учун операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошлангич ҳисоб хужатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлари асос бўлади.

СИУларда бошлангич ҳисоб хужатлари хўжалик операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки операциялари амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади.

Ҳисобот даврига тегишли бўлган хўжалик операциялари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса, тегишли бошлангич ҳужжат расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Бошлангич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуидагилардир:

- ❶ СИУ номи;
- ❷ ҳужжатнинг номи ва рақами, тузилган сана ва жой;
- ❸ хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);
- ❹ масъул шахсларнинг шахсий имзолари.

Бошлангич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри ва аниқ тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардирлар.

Бошлангич ҳисоб ҳужжатларига хўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса-пул ҳужжатларида тузатишлар ва учиреб ёзишларга йўл қўйилмайди.

6. “Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш” тўғрисидаги 11-модда талабларига асосан СИУларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобтлари маълумотларининг тўғрилиги ҳамда аниқлиги, активлар ва мажбуриятларнинг мажбурий суръатда инвентаризация қилиш орқали тасдиқланади. Инвентаризация обьектлари уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича 19-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига мувофиқ белгиланади.

7. “Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш” тўғрисидаги 12-модда талабларига асосан СИУларда оборот активларни баҳолаш қуидаги икки баҳонинг энг пасти бўйича - баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннархи бўйича (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки бозор баҳоси бўйича (соф сотиш қиймати) амалга оширилади.

Асосий маблағлар ва номоддий активлар, уларнинг тўлиқ бошлангич қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Асосий маблағлар ва номоддий активлар қийматини ҳисобдан чиқариш уларнинг қиймати тўлиқ тўлангунга ёки обьект сафдан чиқиб кетгунга қадар бўлмаган эскиришини (амортизацияни) ҳисоблаш йўли билан амалга оширилади. Амортизация ажратмалари обьект фойдаланишга топширилганидан кейинги ойдан бошлаб амалга оширилади. Ернинг қиймати амортизация қилинмайди.

Молиявий қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Мажбуриятлар тарафларнинг келишувига биноан пул билан акс эттирилади.

Суд қарори бўйича юзага келган мажбуриятлар тегишли суммада акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисоби миллий валюта - сўмда юритилади.

8. “Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш” тўғрисидаги 13-модда талабларига асосан СИУларда даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъий назар қайси даврга таълуқли бўлса уша ҳисобот даврида акс эттирилади.

Мисол учун, СИУ 2011 йил март ойида фермер хўжалигига 50 га ғалла майдонини суғориш учун 100 минг метр куб сув етказиб берди. Харажатлар сметаси бўйича 1000 метр куб сув етказиб бериш хизмати учун 2400 сўм тўлаш белгиланган. Фермер март ойида етказиб берилган 100 минг метр куб сув учун СИУга 240 минг сўм (100 минг метр куб сув * 2400 сўм) тўлаши лозим эди, лекин пул ўтказиб бермади. Демак, СИУга пул ўтказилса ёки ўтказмаса ҳам СИУ бухгалтери март ойи бухгалтерия ҳисоботига киритиши шарт.

9. “Молиявий ҳисобот” тўғрисидаги 16-модда талабига асосан СИУларда молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади.

Молиявий ҳисобот қуидагиларни ўз ичига олади:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;
- изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

10. “Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври” тўғрисидаги 18-модда талабига асосан СИУларда 1 январдан 31 декабрга қадар бўлган календар йил молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври ҳисобланади.

Янгидан ташкил этилган СИУлар юридик шахс хуқуки қўлга киритилган санадан бошлаб уша йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр 1-ҳисобот йили деб ҳисобланади.

Агар СИУ 1 октябрдан кейин руйхатга олинган бўлса, 1 ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди.

Рўйхатдан ўтишга ёки юридик шахс ҳуқуқини олишга қадар амалга оширилган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар 1 ҳисобот йили молиявий ҳисботига киритилади.

11. “Молиявий ҳисботини тақдим этиш” тўғрисидаги 19-модда талабига асосан СИУлар молиявий ҳисботни қуидагиларга тақдим этадилар:

-  солиқ органларига;
-  таъсис хужжатларига мувофиқ аъзоларига;
-  давлат статистика органларига;
-  қонун хужжатларига мувофиқ бошқа органларга.

Молия ҳисботи ҳисбот йили бошдан қушилиб борувчи жамлама тартибида йилнинг ҳар чорагида тақдим этилади.

Молиявий ҳисботни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

12. “Бухгалтерия хужжатларини сақлаш” тўғрисидаги 23-модда талабига асосан СИУлар бухгалтерия хужжатлари ва регистрлар, компьютер ҳисоби молиявий маълумотлари камида уч йил, молиявий ҳисбот қонун хужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақлайдилар.

Бухгалтерия хужжатларини олиб қуийиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

13. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларини бузганлик учун жавобгарлик” тўғрисидаги 24-модда талабига асосан СИУларда бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларини бузган шахслар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

II. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ СЧЁТЛАР РЕЖАСИ

21-сон БХМС.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2002 йил 23 октябрда 1181 сон билан рўйхатга олинган.

Бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси халқ хўжалигининг барча соҳасида фаолият юритаётган корхоналар бухгалтериясида қўллаш учун мўлжалланган бўлиб, СИУлар ҳам ушбу счёtlар режасидан фойдаланган ҳолда иш юритишлари лозим (1-жадвал).

2.1-жадвал

Бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси

Счёtlар- нинг т/р	Счёtlар номи	Счёtlар тури ¹
Биринчи қисм. Узоқ муддатли активлар		
1-бўлим. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар		
0100	Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счёtlар	A
0110	Ер	
0111	Ерни ободонлаштириш	
0112	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш	
0120	Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар	
0130	Машина ва асбоб-ускуналар	
0140	Мебель ваофис жихозлари	
0150	Компьютер жихозлари ва ҳисоблаш техникаси	
0160	Транспорт воситалари	
0170	Ишчи ва маҳсулдор хайвонлар	
0180	Кўп ийллик ўсимликлар	
0190	Бошқа асосий воситалар	
0199	Консервация қилинган асосий воситалар	
0200	Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счёtlар	КА
0211	Ерни ободонлаштиришнинг эскириши	
0212	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштиришнинг эскириши	
0220	Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши	
0230	Машина ва асбоб-ускуналарнинг эскириши	
0240	Мебель ваофис жихозларининг эскириши	
0250	Компьютер жихозлари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши	
0260	Транспорт воситаларининг эскириши	
0270	Ишчи хайвонларнинг эскириши	
0280		
0290	Бошқа асосий воситаларнинг эскириши	
0299	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий	

¹ Изоҳ: А – активлар; П – пассивлар; КА – контр актив; КП – контр пассив; Т – транзит; БТ – балансдан ташқари.

Счёtlар- нинг т/р	Счёtlар номи	Счёtlар тури ¹
	воситаларнинг эскириши	
0300	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счёtlар	A
0310	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар	
0400	Номоддий активларни ҳисобга олувчи счёtlар	A
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау	
0420	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари	
0430	Дастурий таъминот	
0440	Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳукуқлари	
0450	Ташкилий ҳаражатлар	
0460	Франчайз	
0470	Муаллифлик ҳукуқлари	
0480	Гудвилл	
0490	Бошқа номоддий активлар	
0500	Номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олувчи счёtlар	KA
0510	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаунинг амортизацияси	
0520	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси	
0530	Дастурий таъминотнинг амортизацияси	
0540	Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳукуқларининг амортизацияси	
0550	Ташкилий ҳаражатларнинг амортизацияси	
0560	Франчайзнинг амортизацияси	
0570	Муаллифлик ҳукуқларининг амортизацияси	
0590	Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси	
0600	Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счёtlар	A
0610	Қимматли қофозлар	
0620	Шульба хўжалик жамиятларига инвестициялар	
0630	Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар	
0640	Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар	
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар	
0700	Ўрнатилган асбоб-ускуналарни ҳисобга олувчи счёtlар	A
0710	Ўрнатилган асбоб-ускуналар маҳаллий	
0720	Ўрнатилган асбоб-ускуналар хорижий	
0800	Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счёtlар	A
0810	Тугалланмаган қурилиш	
0820	Асосий воситаларни харид қилиш	
0830	Номоддий активларни харид қилиш	
0840	Асосий подани ташкил қилиш	
0850	Ерни ободонлаштиришга капитал қўйилмалар	
0860	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга капитал қўйилмалар	
0890	Бошқа капитал қўйилмалар	
0900	Узоқ муддатли дебитор қарзлари ва кечикирилган ҳаражатларни ҳисобга олувчи счёtlар	A
0910	Олинган векселлар	

Счёлар-нинг т/р	Счёлар номи	Счёлар тури ¹
0920	Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар	
0930	Ходимларнинг узоқ муддатли қарзлари	
0940	Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар	
0950	Вақтингачалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиги	
0960	Дисконт (чегирмама)лар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	
0990	Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар	
Иккинчи қисм. Жорий активлар		
II-бўлим. Товар-моддий заҳиралари		
1000	Материалларни ҳисобга олувчи счёлар	A
1010	Хомашё ва материаллар	
1020	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар	
1030	Ёқилғилар	
1040	Эҳтиёт қисмлар	
1050	Қурилиш материаллари	
1060	Идиш ва идишибоп материаллар	
1070	Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар	
1080	Инвентарь ва хўжалик жихозлари	
1090	Бошқа материаллар	
1100	Ўстиришдаги ва боқувдаги хайвонларни ҳисобга олувчи счёлар	
1110	Ўстиришдаги ҳайвонлар	
1120	Бўрдоқидаги ҳайвонлар	
1200		
1300		
1400		
1500	Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олувчи счёлар	
1510	Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш	
1600	Материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счёлар	
1610	Материаллар қийматидаги фарқлар	
1700		
1800		
1900		
2000	Асосий ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счёлар	
2010	Асосий ишлаб чиқариш	
2100	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларни ҳисобга олучи счёлар	
2110	Ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар	
2200		
2300	Ёрдамчи ишлаб чиқаришни ҳисобга олувчи счёлар	
2310	Ёрдамчи ишлаб чиқариш	
2400		
2500	Умушишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счёлар	
2510	Умушишлаб чиқариш харажатлари	
2600	Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотларни ҳисобга олувчи счёлар	

Счёлар-нинг т/р	Счёлар номи	Счёлар тури ¹
2610	Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар	
2700	Хизмат кўрсатуучи хўжаликларни ҳисобга оловчи счёлар	
2710	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар	
2800	Тайёр маҳсулотларни ҳисобга оловчи счёлар	
2810	Омбордаги тайёр маҳсулотлар	
2820	Кўргазмадаги тайёр маҳсулотлар	
2830	Комиссияга берилган тайёр маҳсулотлар	
2900	Товарларни ҳисобга оловчи счёлар	
2910	Омбордаги товарлар	
2920	Чакана савдодаги товарлар	
2930	Кўргазмадаги товарлар	
2940	Прокатдаги товарлар	
2950	Товарлар билан банд вабӯш идишлар	
2960	Комиссияга берилган товарлар	
2970	Йўлдаги товарлар	
2980	Савдо устамаси	КА
2990	Бошқа товарлар	
III-бўлим. Келгуси давр харажатлари ва кечикирилган харажатлар-жорий қисми		
3000		
3100	Келгуси давр харажатларини ҳисобга оловчи счёлар	A
3110	Олдиндан тўланган ижара ҳақи	
3120	Олдиндан тўланган хизмат ҳақи	
3190	Бошқа келгуси давр харажатлари	
3200	Кечикирилган харажатларни ҳисобга оловчи счёлар	A
3210	Вақтингачалик фарқлар бўйича кечикирилган даромад (фойда) солиги	
3220	Дисконт (чегирма)лар бўйича кечикирилган харажатлар	
3290	Бошқа кечикирилган харажатлар	
3300		
3400		
3500		
3600		
3700		
3800		
3900		
IV-бўлим. Олинадиган счёлар – жорий қисми		
4000	Олинадиган счёлар	A
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счёлар	
4020	Олинган векселлар	
4100	Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счёлар	A
4110	Ажратилган бўлинмалардан олинадиган счёлар	
4120	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счёлар	
4200	Ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга оловчи счёлар	A
4210	Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар	
4220	Хизмат сафарларига берилган бўнаклар	

Счёлар-нинг т/р	Счёлар номи	Счёлар тури ¹
4230	Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар	
4290	Ходимларга берилган бошқа бўнаклар	
4300	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга оловчи счёлар	A
4310	ТМКлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар	
4320	Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар	
4330	Бошқа берилган бўнаклар	
4400	Бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга оловчи счёлар	A
4410	Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)	
4500	Мақсадли давлат жамғармаларига ва суғурталар бўйича бўнак тўловларини ҳисобга оловчи счёлар	A
4510	Суғурталар бўйича бўнак тўловлари	
4520	Мақсадли давлат жамғармаларига бўнак тўловлари	
4600	Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзини ҳисобга оловчи счёлар	A
4610	Устав капиталига таъсисчиларнинг улушлари бўйича қарзи	
4700	Ходимларнинг бошқа операциялар буйича қарзини ҳисобга оловчи счёлар	A
4710	Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимларнинг қарзи	
4720	Берилган қарзлар бўйича ходимларнинг қарзи	
4730	Моддий заарларни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи	
4790	Ходимларнинг бошқа қарзлари	
4800	Турли дебиторлар қарзларини қисобга оловчи счёлар	A
4810	Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар	
4820	Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар	
4830	Олинадиган фоизлар	
4840	Олинадиган дивидендлар	
4850	Олинадиган роялти	
4860	Даъволар бўйича олинадиган счёлар	
4890	Бошқа дебиторлар қарзлари	
4900	Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисобга оловчи счёлар	КА
4910	Даргумон қарзлар бўйича резерв	
V-бўлим. Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар		
5000	Кассадаги пул маблағларини ҳисобга оловчи счёлар	A
5010	Миллий валютадаги пул маблағлари	
5020	Чет эл валютасидаги пул маблағлари	
5100	Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга оловчи счёлар	A
5110	Ҳисоб-китоб счёти	
5200	Чет эл валютасидаги пул маблағларини ҳисобга оловчи счёлар	A
5210	Мамлакат ичидаги валюта счёлари	
5220	Чет элдаги валюта счёлари	
5300		
5400		
5500	Банкдаги маҳсус счёлардаги пул маблағларини ҳисобга оловчи	A

Счёлар- нинг т/р	Счёлар номи	Счёлар тури ¹
	счёлар	
5510	Аккредитивлар	
5520	Чек дафтарчалари	
5530	Бошқа маҳсус счёлар	
5600	Пул эквивалентларини ҳисобга олуви счёлар	A
5610	Пул эквивалентлари (турлари бўйича)	
5700	Йўлдаги пул маблағ (ўтказ)ларини ҳисобга олуви счёлар	A
5710	Йўлдаги пул маблағ (ўтказ)лари	
5800	Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олуви счёлар	A
5810	Қимматли қоғозлар	
5830	Берилган қисқа муддатли қарзлар	
5890	Бошқа жорий инвестициялар	
5900	Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар ва бошқа жорий активларни ҳисобга олуви счёлар	A
5910	Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар	
5920	Бошқа жорий активлар	

Учинчи қисм. Мажбуриятлар**VI-бўлим. Жорий мажбуриятлар**

6000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёлар	P
6010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёлар	
6020	Берилган векселлар	
6100	Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счёлар	P
6110	Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счёлар	
6120	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счёлар	
6200	Кечикирилган мажбуриятларни ҳисобга олуви счёлар	P
6210	Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечикирилган даромадлар	
6220	Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечикирилган даромадлар	
6230	Бошқа кечикирилган даромадлар	
6240	Соликлар мажбурий тўловлар бўйича кечикирилган мажбуриятлар	
6250	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечикирилган даромад (фойда) солиги бўйича мажбуриятлар	
6290	Бошқа кечикирилган мажбуриятлар	
6300	Олинган бўнакларни ҳисобга олуви счёлар	P
6310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
6320	Акцияга обуначилардан олинган бўнаклар	
6390	Бошқа олинган бўнаклар	
6400	Бюджетта тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олуви счёлар	P
6410	Бюджетта тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)	
6500	Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олуви счёлар	P
6510	Суғурта бўйича тўловлар	
6520	Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар	
6600	Таъсисчиларга бўлган қарзни ҳисобга олуви счёлар	P
6610	Тўланадиган дивиденклар	
6620	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарз	

Счёлар-нинг т/р	Счёлар номи	Счёлар тури ¹
6700	Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишларни ҳисобга олевчи счёлар	П
6710	Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар	
6720	Депонентланган иш ҳақи	
6800	Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олевчи счёлар	П
6810	Қисқа муддатли банк кредитлари	
6820	Қисқа муддатли қарзлар	
6830	Тўланадиган облигациялар	
6840	Тўланадиган векселлар	
6900	Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олевчи счёлар	П
6910	Тўланадиган қисқа муддатли ижара	
6920	Ҳисобланган фоизлар	
6930	Роялти бўйича қарз	
6940	Кафолатлар бўйича қарз	
6950	Узоқ муддатли мажбуриятлар – жорий қисми	
6960	Даъволар бўйича тўланадиган счёлар	
6970	Ҳисобдор шахсларга бўлган қарз	
6990	Бошқа мажбуриятлар	
VII-бўлим. Узоқ муддатли мажбуриятлар		
7000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счёлар	П
7010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счёлар	
7020	Берилган векселлар	
7100	Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарз	П
7110	Ажратилган бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарз	
7120	Шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарз	
7200	Кечикирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олевчи счёлар	П
7210	Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечикирилган даромадлар	
7220	Мукофот (устама)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечикирилган даромадлар	
7230	Бошқа узоқ муддатли кечикирилган даромадлар	
7240	Соликлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечикирилган мажбуриятлар	
7250	Вақтинчалик фарқлар бўйича кечикирилган даромад (фойда) солиги бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар	
7290	Бошқа узоқ муддатли кечикирилган даромадлар	
7300	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнакларни ҳисобга олевчи счёлар	П
7310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	
7400		
7500		
7600		
7700		
7800	Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олевчи счёлар	П

Счёлар-нинг т/р	Счёлар номи	Счёлар тури ¹
7810	Узоқ муддатли банк кредитлари	
7820	Узоқ муддатли қарзлар	
7830	Тўланадиган облегациялар	
7840	Тўланадиган векселлар	
7900	Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни хисобга оловчи счёлтар	П
7910	Тўланадиган узоқ муддатли ижара	
7920	Турли кредиторларга бўлган бошқа узоқ муддатли қарзлар	

IV-бўлим. Хусусий капитал		
VIII-булим. Капитал, тақсимланмаган фойда ва резервлар		
8000		
8100		
8200		
8300	Устав капиталини хисобга оловчи счёлтар	П
8310	Оддий акциялар	
8320	Имтиёзли акциялар	
8330	Пай ва улушлар	
8400	Қўшилган капитални хисобга оловчи счёлтар	П
8410	Эмиссия даромади	
8420	Устав капитални шакллантиришдаги курс фарқи	
8500	Резерв капитални хисобга оловчи счёлтар	П
8510	Мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар	
8520	Резерв капитали	
8530	Текинга олинган мулк	
8600	Сотиб олинган хусусий акцияларни хисобга оловчи счёлтар	КП
8610	Сотиб олинган хусусий акциялар – оддий	
8620	Сотиб олнган хусусий акциялар – имтиёзли	
8700	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни хисобга оловчи счёлтар	П
8710	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)	
8720	Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)	
8800	Мақсадли тушумларни хисобга оловчи счёлтар	
8810	Грантлар	
8820	Субсидиялар	
8830	Аъзолик бадаллари	
8840	Мақсадли фойдаланадиган солиқ имтиёzlари	
8890	Бошқа мақсадли тушумлар	
8900	Келгуси харажатлар ва тўловлар резервларини хисобга оловчи счёлтар	
8910	Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари	
V-қисм. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиши		
IX-бўлим. Даромадлар ва харажатлар		
9000	Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини хисобга оловчи счёлтар	Т

9010	Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар	
9020	Товарларни сотишдан даромадлар	
9030	Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар	
9040	Сотилган товарларнинг қайтиши	
9050	Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар	
9100	Сотилган маҳсулот (товар, иш, хизмат)ларнинг таннархини хисобга олувчи счёtlar	T
9110	Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи	
9120	Сотилган товарларнинг таннархи	
9130	Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи	
9140	Даврий хисобда ТМЗ сотиб олиш / харид қилиш	
9150	Даврий хисобда ТМЗ бўйича тузатишлар	
9200	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишин хисобга олувчи счёtlar	T
9210	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши	
9220	Бошқа активларнинг чиқиб кетиши	
9300	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини хисобга олувчи счёtlar	T
9310	Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда	
9320	Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда	
9330	Ундирилган жарима, пеня ва устамалар	
9340	Ўтган йиллар фойдалари	
9350	Қисқа муддатли ижарадан даромадлар	
9360	Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан даромадлар	
9370	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан даромадлар	
9380	Текин қайтарилмайдиган молиявий ёрдам	
9390	Бошқа операцион даромадлар	
9400	Давр харажатларини хисобга олувчи счёtlar	T
9410	Сотиш харажатлари	
9420	Маъмурий харажатлар	
9430	Бошқа операцион харажатлар	
9440	Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисбот даври харажатлари	
9500	Молиявий фаолият даромадларини хисобга олувчи счёtlar	T
9510	Роялти кўринишидаги даромадлар	
9520	Дивидендлар кўринишидаги даромадлар	
9530	Фоизлар кўринишидаги даромадлар	
9540	Валюталар курслари фарқидан даромадлар	
9550	Узоқ муддатли ижарадан даромадлар	
9560	Қимматли қофозларни қайта баҳолашдан даромадлар	
9590	Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	
9600	Молиявий фаолият бўйича харажатларни хисобга олувчи счёtlar	T
9610	Фоизлар кўринишидаги харажатлар	
9620	Валюталар курслари фарқидан заарлар	
9630	Қимматли қофозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар	
9690	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар	
9700	Фавқулодда фойда (зараар)ларни хисобга олувчи счёtlar	T

9710	Фавқулоддаги фойдалар	
9720	Фавқулоддаги заарлар	
9800	Солиқлар ва йигимларни тұлаш учун фойданинг ишлатилишини ҳисобға олувчы счёtlар	T
9810	Даромад (фойда) солиги бўйича харажатлар	
9820	Фойдадан хисобланган бошқа солиқлар ва йигимлар бўйича харажатлар	
9900	Якуний молиявий натижани хисобға олувчы счёtlар	
9910	Якуний молиявий натижা	

VI-қисм. Балансдан ташқари счёtlар

001	Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар	БТ
002	Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар	БТ
003	Қайта ишловга қабул қилинган материаллар	БТ
004	Коммиссияга қабул қилинган товарлар	БТ
005	Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар	БТ
006	Қатъий хисобот вараклари	БТ
007	Тұлашга қобиляйтсиз дебиторларнинг заарга ўтказилиб хисобдан чиқарилган қарзи	БТ
008	Мажбуриятлар ва тұловларни таъминлаш - олинган	БТ
009	Мажбуриятлар ва тұловларни таъминлаш - берилған	БТ
010	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилған асосий воситалар	БТ
011	Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк	БТ
012	Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар	БТ
013	Вақтингачалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича)	БТ
014	Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жихозлари	БТ

III. СУВ ИСТЕЬМОЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИНИНГ СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ ТҮЛОВЛАР БҮЙИЧА ИМТИЁЗЛАРИ

СИУлар нодавлат нотижорат ташкилот сифатида Адлия бошқармаларида рўйхатга олинганда солиқ кодекси бўйича қуидаги солиқ ва мажбрий тўловлар бўйича имтиёзларга эга бўладилар:

Солиқ кодексининг:

129-модда. Жами даромадларнинг таркиби. Жами даромадларга қуидагилар киради: товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар; бошқа даромадлар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан устав фаолиятининг таъминоти ва уни амалга ошириш учун олинган, белгиланган мақсадга кўра ва ёки текин келиб тушган маблағлар солиқ тўлавчининг даромади сифатида қаралмайди.

197-модда. Қуидагилар қўшилган қиймат солиги тўловчилари ҳисобланмайди: нодавлат нотижорат ташкилотлар, бундан **тадбиркорлик фаолияти доирасида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш оборотлари мустасно.**

257-модда. Қуидагилар сув солиги тўловчилари ҳисобланмайди: нодавлат нотижорат ташкилотлар. Нодавлат нотижорат ташкилотлар **тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда ушбу бўлимда назарда тутилган мартибда тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган сув ҳажмлари бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчи ҳисобланади.**

265-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари мол-мулк солиги тўловчиси бўлмайди. Бунда **тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда ушбу бўлимда назарда тутилган мартибда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчиларидир.**

279-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ер солиги тўловчиси бўлмайди. Бунда **тадбиркорлик фаолиятини амалга оширган тақдирда ушбу бўлимда назарда тутилган мартибда юридик шахсларнинг ер солигини тўловчиларидир.**

312-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчиси бўлмайди. Бунда **тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно.**

316-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг тўловчиси бўлмайди. Бунда

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олган даромадлари мустасно.

329-модда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўз хукуқлари ва қонуний манфатларини бузაётган давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари улар мансабдор шахсларнинг харакатлари (харкатсизлиги) устидан судга шикоят қилганда давлат божини тўламайдилар.

СИУ нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида вилоят адлия бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан кейин иш ҳақидан ушланадиган даромад солиғи, 4,5 фоизлик сүғурта тўлови ва ягона ижтимоий тўлов (25%) ни тўлайдилар.

СИУлар қўшимча даромад олиш мақсадида аъзо бўлмаган сув истеъмолчилари билан шартнома тузиб, иш бажарса ва даромадга олса ёки фермер хўжаликлиридан натура ҳолда олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотларни ишчиларга ҳамда бозорда сотиб, қўшимча даромад олса бу тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадга киради.

IV. СУВ ИСТЕМЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ХИСОБ-КИТОБИ

4.1. Асосий воситаларни келиб тушиши

Асосий воситалар корхонага қуидагилар натижасида келиб тушади ва тегишли тартибда қуидагича ҳисобга олинади:

- (i)* қурилган объектни қабул қилиш топшириш;
- (i)* олди сотди шартномаси буйича объектни сотиб олиш;
- (i)* устав капиталига муассис улуши кўринишида олиш;
- (i)* текинга келиб тушиш (хадя шартномаси бўйича);
- (i)* айирбошлаш;
- (i)* товар моддий захиралар таркибидан ўтказиш;
- (i)* узоқ муддатли ижара (лизинг) шартномаси бўйича олиш;
- (i)* қиймати белгиланган асосий воситаларга капитал қўйилмалар;
- (i)* асосий воситаларнинг ортиқча (ҳисобга олинмаган) объектларини аниқлаш.

Асосий воситалар фойдаланишга топширилгунга қадар капитал қўйилмалар таркиби (0800 ҳисобварақлар гурухи), топширилгандан кейин асосий воситаларни ҳисобга оловчи ҳисобварақларда (0100 ҳисобварақлар гурухи) ҳисобга олинади.

4.2. Асосий воситаларни сотиб олиш

Ҳақ эвазига сотиб олинган асосий воситалар корхонага кирим қилиш пайтида бошлангич қиймати бўйича баҳоланади, уларнинг бошлангич қиймати 0820 “Асосий воситаларни харид қилиш” ҳисобварағида жамланади.

Бошлангич қиймат қуидаги харажатлардан ташкил топади:

- (i)* активларни етказиб берувчиларга ҳамда шартнома бўйича қурилиш монтаж ишларни бажарганлиги учун пудратчиларга тўланган суммалар;
- (i)* асосий воситалар обьектига доир ҳуқуқни сотиб олиш муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йифимлари, давлат божлари ва шунга ўхшаш тўловлар;
- (i)* божхона божлари ва йифимлари;
- (i)* асосий воситаларни сотиб олиш (барпо қилиш) муносабати билан солиқлар ва йифимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

● асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо қилиш) билан боғлиқ ахборот ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

● асосий воситалар объектларини етказиб бериш (барпо қилиш) хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;

● асосий воситалар объектини сотган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

● асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишга оид харажатлар;

● активдан мўлжал бўйича фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Мисол учун, СИУ 100 фоиз олдиндан тўлов шартномаси билан 1 дона юк ортувчи трактор сотиб олди. Шартнома бўйича тракторнинг қиймати 25 500 минг сўмни ташкил қиласди. Тракторни етказиб бериш харажатлари 750 минг сўм.

Тракторнинг бошланғич қиймати 26 250 минг сўм ташкил қиласди (25 500 минг сўм + 750 минг сўм) ва уни бухгалтерия ҳисобваракларда (проводка) 4.2.1-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилди.

4.2.1-жадвал

СИУда сотиб олинган тракторни бухгалтерия ҳисобваракларда акс эттириш тартиби

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобвараклар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Трактор учун олдиндан тўлов амалга оширилди	25 500	4320	5110
2	Етказиб берувчидан трактор олинди	25 500	0820	6010
3	Тўланган бўнак ҳисобга олинди	25 500	6010	4320
4	Транспорт ташиш харажатлари акс эттирилди: А) ўзининг ёрдамчи ишлаб чиқариши томонидан амалга оширилди; Б) маҳсус ташкилот томонидан амалга оширилди;	350 400	0820 0820	2310 6010
5	Трактор фойдаланишга топширилди	26 250	0160	0820

4.3. Асосий воситаларнинг текинга келиб тушиши

Текинга олинган асосий воситалар хусусий асосий воситалар объектлари таркибида 0100 “Асосий воситалар” гурухи ҳисобваракларида ҳисобга олинади, уларнинг келиб тушиши эса 0820 “Асосий воситаларни харид қилиш” ҳисобварағининг дебети бўйича 8530 “Текинга олинган мол мулк” ҳисобвараги билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Корхона томонидан текинга олинган асосий воситалар объектларининг бошланғич қиймати қабул қилиш топшириш ҳужжатларида кўрсатилган қиймат ҳисобланади. Корхонанинг асосий воситаларни яроқли ҳолатга келтириш бўйича харажатлари унинг бошланғич қийматига киритилади.

Мисол учун, СИУ ҳудудидаги ички ариқлар, лоток новлар, бетон ариқлар хатловдан ўтказилганда СИУ балансига кирим қилинмаган 25 км ер ариқ, 10 км лоток новлар ва 5 км бетон ариқлар мавжудлиги аниқланди. Хатлов ўтказган гуруҳ 1 км ер ариқни 500 минг сўм, 1 км лоток новларни 2500 минг сўм ва 1 км бетон ариқни 1500 сўм қилиб баҳолаб киримга олишни белгилаб берди.

Хатловдан ўтказиш гуруҳининг белгилаб берган баҳолари СИУ кенгасида муҳокамага қўйилади ва тасдиқлангандан кейин кирим қилинмаган асосий воситалар баҳолаб киримга олинади.

Киримга олинмаган 25 км ер ариқни қиймати 12 500 минг сўм (25 км *500 минг сўм), 10 км лотокли новнинг қиймати 25 000 минг сўм (10 км*2 500 минг сўм), 5 км бетон ариқнинг қиймати 7500 минг сўм (5 км*1 500 минг сўм). Жами 45 000 минг сўм (12 500 минг сўм + 25 000 минг сўм + 7 500 минг сўм).

Ер ариқ, лоток новлар ва бетонли ариқни куздан кечириш ва хатловдан ўтказиш харажатлари 1000 минг сўм. Даромадга олинадиган ер ариқ, лотокли нов ва бетон ариқни 1 сўм қийматига тўғри келадиган кўздан кечириш ва хатловдан ўтказиш харажатлари 0,0222 сўм. (1 000 минг сўм / 45 000 минг сўм)

Ер ариқга тўғри келадиган қўшимча харажат 277 минг сўм (12 500 минг сўм * 0,0222 сўм)

Лотокли новларга тўғри келадиган қўшимча харажат 555 минг сўм (25 000 минг сўм * 0,0222 сўм)

Бетонли ариқга тўғри келадиган қўшимча харажат 168 минг сўм (7 500 минг сўм * 0,0222 сўм).

Кирим қилинадиган 25 км ер ариқнинг қиймати 12 777 минг сўм (12 500 минг сўм + 277 минг сўм), 10 км лотокли новнинг қиймат 25 555 минг сўм (25 000 + 555 минг сўм), 5 км бетон ариқнинг қиймати 7 668 минг сўмни (7 500 + 168

минг сўм) ташкил этади, уни бухгалтерия ҳисобварақларда (проводка) 4.3.1-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

4.3.1-жадвал

СИУда ер ариқ, потокли новлар ва бетонли ариқни бухгалтерия ҳисобварақларда акс эттириш тартиби

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобвараклар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Ер ариқ кирим қилинди	12 500	0820	8530
2	Ер ариқни кўздан кечириш ва хатловдан ўтказиш харажати	277	0820	6710 6520
3	Лотокли новлар кирим қилинди	25 000	0820	8530
4	Лотокли новларни кўздан кечириш ва хатловдан ўтказиш харажати	555	0820	6710 6520
5	Бетон ариқлар кирим қилинди	7 500	0820	8530
6	бетон ариқни кўздан кечириш ва хатловдан ўтказиш харажати	168	0820	6710 6520
7	Ер ариқ фойдаланишга топширилди	12 777	0120	0820
8	Лотокли новлар фойдаланишга топширилди	25 555	0120	0820
9	Бетон ариқлар фойдаланишга топширилди	7 668	0120	0820

4.4. Асосий воситалар амортизацияси

Асосий воситалар амортизацияланадиган активларга тегишлидир. Амортизация асосий воситаларнинг хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини ишлаб чиқариш таннархига ёки давр харажатларига муутазам тақсимланиши кўринишидаги эскиришнинг қийматдаги ифодаси.

Асосий воситалар обьекти бўйича амортизация ҳисоблаш ушбу обьект асосий воситалар таркибиға қилинган (фойдаланишга топширилган) ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан бошланади хамда мазкур обьектнинг амортизацияланадиган қиймати тулик қопланган ёхуд ушбу обьект балансдан ҳисобдан чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасида тўхтатилади.

Амортизация корхона фаолияти натижаларидан қатъи назар ҳисоблаб ёзилади. Ҳисобланган амортизация суммалари ишлаб чиқариш харажатлари ёки улар тегишли бўлган давр харажатларига киритилади.

Асосий воситалар обьектлари чиқиб кетганда (сотилганда, ҳисобдан чиқарилганда, текинга берилганда, камомад натижасида, тугатилганда ва ҳ.к.) улар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси 0200 турӯҳ ҳисобвараклари

дебетидан 9210 “Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” ҳисоб вараги кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Мисол учун, СИУ маъмурий биноси учун 500 минг сўм (10 000 минг сўм * 5%), иншоотлар (ер ариқ) учун 2 000 минг сўм (40 000 минг сўм * 5%) амортизация ҳисобланди. Бошланғич қиймати 25 000 минг сўм, ҳисобланган амортизация суммаси 24 500 минг сўм бўлган 1 дона трактор ҳисобдан чиқарилди, уни бухгалтерия ҳисобварақларда (проводка) 4.4.1-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

4.4.1-жадвал

СИУда маъмурий бино, иншоотлар ва тракторлар амортизациясини бухгалтерия ҳисобварақларда акс эттириш тартиби

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобвараклар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Маъмурий бино учун амортизация ҳисобланди	500	9420	0220
2	Иншоотлар учун амортизация ҳисобланди	2000	2010	0220
3	Трактор ҳисобдан чиқарилди	25 000	9210	0160
4	Трактор бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилди	24 500	0260	9210
5	Ҳисобдан чиқарилаётган тракторнинг фойдаланишга яроқли қисмлари омборга кирим қилинди	500	1040	9210

4.5. Асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказишнинг умумий қоидалари ва тамойиллари

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 4 декабрдаги 1192 сон билан рўйхатга олинган Макроиқтисодстат вазирлиги 4 сон, Молия взирлиги 129 сон ва Давлат Солиқ Қўмитасининг 2002 86 сон 29.10.2002 й. Қарори билан тасдиқланган “1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”.

Мазкур Низом Адлия вазирлигининг 23.04.2003 й. 1192.1 сон билан рўйхатга олинган ИВ, МВ, ДСҚ ва Давstat қўмитасининг Қарорига мувофиқ ўзгартириш киритилган.

Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги “Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва 2002 йилги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида” 490 сон қарорининг 12-бандини бажариш учун ишлаб чиқилган ҳамда 1 январь холати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказишнинг ягона тартибини белгилайди.

Мазкур Низомнинг амал қилиши мулкчилик шакли ва идоравий буйсинишидан қатъи назар барча корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларга (матн давомида-ташкилотлар) тадбиқ этилади.

1. Қайта баҳолаш мақсадида ташкилотларнинг асосий фондлари деганда қуидагилар тушунилади:

-  ўзининг асосий воситалари;
-  ўрнатиладиган ускуналари;
-  тугалланмаган қурилиш объектлари;

2. Асосий фондлар қийматини қайта баҳолаш ҳар йили (жорий йилнинг 1 февралигача) 1 январь холати бўйича қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади.

3. Қайта баҳолаш чоғида асосий фондларнинг тўлиқ тикланиш қиймати, яъни улар худди шундай янги объектларга тўлиқ алмаштирилган тақдирда ташкилот амалга ошириши керак бўлган харажатларнинг тўлиқ қиймати қайта баҳолаш санасида мавжуд бўлган бозор нархлари (тарифлари) бўйича аниқланади, бунга объектларни харид қилиш (қурилиш), ташиш, ўрнатиш (монтаж қилиш) харажатлари, импорт қилинадиган объектлар учун эса шунингдек божхона тўловлари ва хоказолар киритилади.

Маънан эскирган объектларнинг тўлиқ тикланиш қиймати шунингдек, объектларнинг маънан эскириши тегишли нархлар (тарифлар)нинг ўзгариш даражалари ва суръатларида акс этишидан келиб чиқиб, қайта ҳисоблаш санасида мавжуд бўлган нархлар (тарифлар) бўйича уларни тайёрлашга доир мавжуд харажатлар асосида аниқланади.

Ишлаб чиқаришдан олинган, ҳозирги шароитда уларнинг аниқ нусхасини тайёрлаш нархлари ва харажатларини аниқлаш амалда мумкин бўлмаган объектларнинг тўлиқ тикланиш қиймати аниқланганда уларнинг қиймати илгари чиқарилган ва ҳозирги объектларнинг энг муҳим фойдаланиш тавсифлари нисбати бўйича тузатилган, функционал жихатдан худди шундай чиқарилаётган объектларнинг тўлиқ тикланиш қиймати асосида ўрнуни босиш қиймати сифатида аниқланади.

4. Ташкилотлар мулкида, уларнинг хўжалик юритишида, тезкор бошқарувида ва узоқ муддатли ижарада (лизингда) бўлган, уларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ишлаб турган ва фойдаланилмайдиган, консервацияда

бўлган, ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган барча асосий воситалар, шунингдек тугалланмаган қурилиш обьектлари ва ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналар қайта баҳоланиши керак.

1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолаш олдинги қайта баҳолаш натижасида олинган обьектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматидан, йил давомида келиб тушган асосий фондлар бўйича эса харид қилиш қийматидан амалга оширилади.

Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш обьектларининг қиймати қайта баҳоланмайди.

5. Асосий фондларнинг тўлиқ тикланиш қиймати ташкилотнинг хошишига қараб қайта баҳолашни ўтказиш даврида 1 январга шаклланган, баҳоланаётганларига айнан ўхшаш бўлган янги обьектларга ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича алоҳида обьектлар қийматини бевосита ҳисоблаш йўли (матн давомида-“бевосита қайта баҳолаш усули”) билан ёки асосий фондлар турлари бўйича ва уларни харид қилиш даврларига боғлиқликда табақалangan асосий фондлар қийматини ўзгартириш индексларини қўллаган ҳолда айрим обьектларнинг дастлабки (тикланиш) қийматини индекслаш йўли (матн давомида – “индекс усули”) билан аниқланади.

Бунда асосий фондларнинг бир турдаги обьеклари (маркалари, хиллари ва ҳоказо) бўйича ягона усул қўлланилади.

Қайта баҳолашни ташкилот мустақил равишда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган мутахассислар – экспертларни жалб этган ҳолда амалга оширилади.

6. Бевосита қайта баҳолаш усули қўлланилганда обьектларнинг тўлиқ тикланиш қийматини ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун ташкилотнинг хиҳишига кўра қўйидагилардан фойдаланиши мумкин:

А) тайёрловчи ташкилотлар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган худди шундай маҳсулотга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

Б) қайта баҳолашни ўтказиш санасига ва асосий фондларни харид қилиш санасига МБ курсларининг нисбати сифатида белгиланадиган ҳисобкитоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санасига ЭАВда асосий фондларнинг қиймати тўғрисидаги (тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганида) маълумотлар;

В) тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

Г) қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва маҳсус адабиётларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

Д) асосий фондлар қиймати тўғрисида баҳоловчининг ҳисоботи.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан асосий фондларни қайта баҳолаш чоғида индекс усулини қўллаш учун 31 декабрга қадар навбатдаги қайта баҳолаш бўйича индекслар ишлаб чиқилади ва расмий равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

8. Олдинги йиллик қайта баҳолашдан кейин амалга оширилган, илгарироқ хусусийлаштириш (давлат тасарруфидан чиқариш, қайта ташкил этиш) давомида қайта баҳоланганд мол-мулк бўйича, мол-мулкни хусусийлаштириш жараёнида ҳосил бўлган гудвилл суммаси (фирма нархи) қайта баҳолаш санасидаги ҳолат бўйича қайта баҳолашга доир резерв суммаси ҳисобига камайтирилади.

Бухгалтерия ҳисоби ва статистика ҳисботида асосий воситалар қийматини ҳар йили қайта баҳолаш натижаларини акс эттириш

9. Бухгалтерия ҳисобида юқорида кўрсатилган қайта баҳолаш усувларини қўллаш йўли билан асосий фондларнинг баланс қийматини уларни тиклаш қийматига қадар кўпайтириш (камайтириш) асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобвараклари дебети (кредити) бўйича акс эттирилади: узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар (узоқ муддатли ижарага олинадиган асосий воситалар ёки молиявий лизинг қисмида); ўрнатиладиган ускуналар; резерв сармояни ҳисобга олиш ҳисобвараги билан капитал кўйилмалар ҳисобга олуви ҳисобварак корреспонденцияланади.

10. Номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобваракларида хусусийлаштириш чоғида ҳосил бўлган “Гудвилл (фирма нархи)” суммасига эга бўлган хусусийлаштирилган ташкилотлар қайта баҳолаш натижаларига кўра ушбу суммаларни камайтиришлари ва бухгалтерия ҳисобида қуидаги тартибда акс эттиришлари керак:

- ➊ резерв сармояни ҳисобга олиш ҳисобвараги дебети;
- ➋ номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобвараги кредити.

11. Бюджет ташкилотларда бухгалтерия ҳисобида юқорида кўрсатилган қайта баҳолаш усувларини қўллаш йўли билан асосий воситаларнинг баланс қийматини уларни тиклаш қийматига қадар кўпайтириш (камайтириш) “Асосий воситалар” ҳисобварагининг дебети (кредити) ҳамда “Асосий воситалар фонди” ва “Асосий воситаларнинг эскириши” ҳисобвараклари кредити (дебети) бўйича акс эттирилади.

Бюджет ташкилотларида қайта баҳолаш ўтказиладиган санада тугалланмаган қурилиш баҳосини кўшимча баҳосини баҳолаш (тушириш), факат

фойдаланишга қабул қилинган пайтда, яъни қайта баҳолашни ўтказиш санасида тугалланмаган деб ҳисобланган қурилиш объектлари фойдаланишга қабул қилинганда “Асосий воситалар” ҳисобварағи дебети (кредити) ва “Асосий воситалар фонді” ҳисобварағи кредити (дебети) бўйича акс эттирилади.

12. Индекслаш йўли билан асосий воситаларни қайта баҳолаш чоғида, бухгалтерия ҳисобида қайта баҳолашни ўтказишни санасидаги ҳолат бўйича қайд этилган асосий фондлар (шу жумладан уларга доир эскириш тўла ҳисоблаб ёзилган объектлар)нинг эскириш суммаси уларни тикланиш қийматига қайта ҳисоблаш чоғида асосий фондлар қийматини ўзгартиришнинг тегишли индексларига кўпайтирилиши керак. Асосий воситаларни бевосита қайта ҳисоблаш усули билан қайта баҳолаш чоғида бухгалтерия ҳисобида қайд этилган эскириш суммаси қайта баҳолашдан кейинги тикланиш қийматининг қайта баҳолашгача бўлган қийматга нисбати билан ҳисоблаб чиқариладиган қайта ҳисоблаш коэффициенти бўйича индексланиши керак.

13. Мазкур Низомнинг 9 – бандига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган эскириш суммаси билан кўрсатилган асосий воситаларга доир қайта баҳолашга қадар ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси ўртасидаги фарқ “Асосий воситаларнинг эскириши” ҳисобварағи кредити (кўпайган тақдирда) ва дебети (камайган тақдирда) бўйича резерв сармояни ҳисобга олиш ҳисобварағи билан корреспонденцияда акс эттирилади.

14. 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни қайта баҳолаш натижалари молиявий ҳисботда асосий воситаларни қайта баҳолаш амалга оширилган жорий давр учун акс эттирилади.

15. Асосий фондларни қайта баҳолаш натижалари тегишли давлат статистика ҳисботида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланган шакллар бўйича акс эттирилади.

Юқоридаги НИЗОМ талаблари асосида индекслаш йўли билан қайта баҳоланган асосий воситалар қийматини бухгалтерия ҳисобварақларида акс эттириш бўйича мисол, “Миришкор” СИУ балансидаги 2009 йилда сотиб олинган бир дона мебель ва 2008 йилда сотиб олинган бир дона T-80 маркали тракторнинг қиймати индекслаш йўли билан қайта баҳоланди. Буни 4.5.1-жадвалда кўриш мумкин.

4.5.1-жадвал

**Асосий воситаларни индексация йўли билан қайта баҳолаш
(2011 йил 1 январ ҳолатида)**

№	Асосий воситалар номи	Сотиб олинган йили	Қиймати, минг сўм	Ҳисобланган амортизация, минг сўм	Индексация коэффициенти	Қайта баҳоланган қиймат, минг сўм	Қайта баҳоланган амортизация, минг сўм
1.	Мебель	2009	1 200	440	1,054	1 265	464
2.	Трактор	2008	65 000	9 750	1,103	71 695	10 754

Индексация йўли билан қайта баҳолаганда мебель бўйича индексация фарқи асосий қиймат бўйича 65 минг сўм (1265 минг сўм – 1200 минг сўм), амортизацияси бўйича 24 минг сўм (464 минг сўм – 440 минг сўм). Трактор Т-80 бўйича индексация фарқи 6 695 минг сўм (71 695 минг сўм – 65 000 минг сўм), амортизацияси бўйича 1 004 минг сўм (10 754 минг сўм – 9750 минг сўм). Уни бухгалтерия ҳисобварагларда (проводка) 4.5.2-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

4.5.2-жадвал

**Индексация йўли билан қайта баҳолаган асосий воситалар қиймати
фарқини бухгалтерия ҳисобварагларда акс эттириш тартиби**

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобвараклар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Мебель қийматини қайта баҳолаганда шаклланган индексация фарқи	65	0140	8530
2	Мебель амортизациясини қайта баҳолаганда шаклланган индексация фарқи	24	8530	0240
3	Трактор Т-80 қийматини қайта баҳолаганда шаклланган индексация фарқи	6 695	0160	8530
4	Трактор Т-80 амортизациясини қайта баҳолаганда шаклланган индексация фарқи	1 004	8530	0260

4.6. СИУда сув иншоотларни қуриш учун қурилиш материалларини сотиб олиш ва харажатта чиқариш

СИУ раҳбарлари сув иншоотларини таъмирлаш мақсадида турли хил ишлаб чиқариш захиралари (қурилиш материаллари, инвентар, эҳтиёт қисм, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқалар)ни сотиб оладилар ва ишлаб чиқаришда ишлатадилар.

Мисол учун, олдиндан 100 фоиз пул ўтказиб бериш шарти билан 10 тонна цемент, 20 метр куб шағал сотиб олиш учун 3000 минг сўмлик шартнома тузилди. Тузилган шартномага асосан мол етказиб берувчиларга пул ўтказиб, 2000 минг сўмга 10 тонна цемент ва 1000 минг сўмга 20 метр куб шағал сотиб олинди. Олинган цементни 5 тоннаси ва шағални 12 метр куби ишлаб чиқаришга ишлатилди. Ишчиларга бажарилган иш учун 500 минг сўм иш ҳақи ҳисобланди. Иш ҳақидан 50 минг сўм даромад солиғи, 22,5 минг сўм суғурта тўлови ушланди. Иш ҳақига нисбаттан 1% пенсия жамғармасига ўтказиш учун 5 минг сўм ажратма ҳисобланди. Ягона ижтимоий тўлов учун 125 минг сўм (500 минг сўм * 25%) ажратма ҳисобланди. Уни бухгалтерия ҳисобварақларда (проводка) 4.6.1-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

4.6.1-жадвал

СИУда қурилиш материалларини сотиб олиш ва уни харажатта чиқаришни бухгалтерия ҳисобварақларда акс эттириш тартиби

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Цемент ва шағал учун пул ўтказилди	3000	4320	5110
2	Мол етказиб берувчидан 10 тонна цемент, 20 метр куб шағал олинди	2000 1000	1050 1050	6010 6010
3	Тўланган бўнак ҳисобга олинди	3000	6010	4320
4	Ишлаб чиқаришга (гидропост қуришга) 5 тонна цемент ($5*200$); 12 метр куб шағал ($12*50$) ишлатилди	1000 600	0820 0820	1050 1050
5	Ишчиларга иш ҳақи ҳисобланди	500	0820	6710
6	Даромад солиғи ушланди	50	6710	6410
7	Пенсия жамғармасига 1% ажратма ҳисобланди	5	6410	6525
8	Суғурта тўлови учун ушланди 4,5%	22,5	6710	6510
9	Ягона ижтимоий тўлов учун 25% ажратма ҳисобланди	125	0820	6520
10	Қурилган гидропост фойдаланишга топширилди	2225	0120	0820

V. СУВ ИСТЕМЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН СУВ ХИЗМАТИ УЧУН ОЛИНГАН МАБЛАГЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИ

5.1. СИУ ҳисоб рақамига фермер хўжаликлари томонидан ихтиёрий равишда аъзолик бадали ўтказишни ҳисобга олиш

Маълумки, СИУ нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади ва нодавлат нотижорат ташкилоти тўғрисидаги Қонунга асосан улар аъзолар бадали ҳисобига фаолият юритишлари лозим. ШУ нуқтаи назардан, фермер хўжаликлари СИУга ихтиёрий равишда бадал тўлашлари керак. Бунинг учун фермер хўжаликлари йиллик даромадларидан ёки олинган соф фойдани маълум фоизини СИУларга ўтказиб беришларини аниқлаб, фермерлар ўз бизнес-режасига киритишлари керак. ***Аъзолик бадалини тўлаб бериш учун ҳисоб варақ фактура ёзилмайди.***

Мисол учун, “Миришкор” СИУси билан “Алишер” номли фермер хўжалиги ўртасида 2010 йилда тузилган шартномага асосан фермер хўжалиги СИУга етказиб берилган сув хизмати учун қўйидагича хизмат ҳақи тўлаши лозим:

- | | |
|--|--|
| (i) бир гектар пахта даласини суғориш учун
(i) бир гектар ғалла даласини суғориш учун
(i) бир гектар боғни суғориш учун | 15 минг сўм;
16 минг сўм;
25 минг сўм. |
|--|--|

“Алишер” номли фермер хўжалиги 2010 йилда 40 га ерга пахта, 50 га ерга ғалла экишни ва 4 га боғни парваришлашни режалаштирган.

Тузилган шартномага асосан “Алишер” номли фермер хўжалиги экин майдонларни суғориш учун етказиб берилган сув хизмати учун бир йилда қўйидаги миқдорда хизмат ҳақи тўлаши лозим:

- | | |
|---|--|
| (i) пахта даласини суғориш учун
(i) ғалла даласини суғориш учун
(i) боғни парваришлаш учун | 600 минг сўм (40 га * 15000 сўм);
800 минг сўм (50 га * 16000 сўм);
100 минг сўм (4 га * 25000 сўм). |
|---|--|

Жами 1500 минг сўм.

“Алишер” номли фермер хўжалиги 2010 йил учун тузган бизнес режасига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан 75000 минг сўм даромад олишни режалаштирган.

“Алишер” номли фермер хўжалиги СИУга 2010 йилда етказиб берилган сув хизмати учун тўлайдиган 1500 минг сўмни аъзолик бадали сифатида ихтиёрий равишда ўтказиб берса, 2010 йилда оладиган 75000 минг сўм даромадини 2 фоизни ($1500000/75000000 * 100\%$) ажратиши лозим.

СИУ раҳбарияти аъзолик бадали ҳисобидан 1200 минг сўм ишлаб чиқариш ва 300 минг сўм давр харажатларини ёпди. Уни бухгалтерия ҳисобварақларда (проводка) 5.1.1-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

5.1.1-жадвал

СИУ ҳисоб рақамига фермер хўжаликлари томонидан ихтиёрий равишда ўтказилган аъзолик бадалини бухгалтерия ҳисобварақларда акс эттириш тартиби

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Фермер хўжалиги ихтиёрий равишда аъзолик бадали ўтказиб берди	1500	5110	8830
2	Аъзолик бадали ҳисобидан ишлаб чиқариш харажатлари ёпилди	1200	8830	2010
3	Аъзолик бадали ҳисобидан давр харажатлари ёпилди	300	8830	9410, 9420, 9430

5.2. СИУ фермер хўжаликларига еткази берилган сув хизмати учун ҳисоб варақ фактура ёзиб бериб, пул олганда уни ҳисобга олиш тартиби

СИУ аъзолари бўлган фермер хўжаликлари СИУ раҳбарияти томонидан тайёрлаган харажатлар сметасини Умумий йиғилишда кўриб чиқиб, харажатларни бадал сифатида тўлаб беришни ўз зиммаларига олган бўлсаларда, белгиланган муддатларда бадал тўламаяптилар. Натижада, СИУ раҳбарияти етказиб берилган сув хизмати учун пул олиш мақсадида ҳисоб варақ фактура ёзиб, фермерга тақдим этишга мажбур бўлмоқдалар. Ёзилган ҳисоб варақ фактурага асосан таққослаш далолатномалар тузиб, хизмат ҳақини ўндириб олиш учун банкка инкасса қўймоқдалар.

Мисол учун, “Фарҳод” номли фермер хўжалиги ихтиёрий равишда аъзолик бадалини ўтказиб бермаганлиги сабабли СИУ раҳбарияти фермер

хўжалиги номига ҳисоб варақ фактура ёзиб етказиб берилган сув хизмати учун 850 минг сўм олган ҳамда ишлаб чиқариш харажатларидан 650 минг сўм ҳисобдан чиқарган. Уни бухгалтерия ҳисобваракларда (проводка) 5.2.1-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

5.2.1-жадвал

СИУ фермер хўжаликларига етказиб берилган сув хизмати учун ҳисоб варақ фактура ёзиб бериб, пул олганда уни бухгалтерия ҳисобваракларда акс эттириш тартиби

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобвараклар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Фермер хўжалигига етказиб берилган сув хизмати учун ҳисоб варақ фактура ёзиб берилди	850	4010	9030
2	Фермердан етказиб берилган сув хизмати учун пул тушди	850	5110	4010
3	Етказиб берилган сув хизмати таннархи ҳисобдан чиқарилди	650	9130	2010
4	9030 ҳисобвараги ёпилиши	850	9030	9910
5	9130 ҳисобвараги ёпилиши	650	9910	9130
6	9400 ҳисобвараги ёпилиши	200	9910	9410, 9420, 9430,

5.3. СИУларда аҳолига етказиб берилган сув хизмати учун олинадиган пулни ҳисобга олиш

Бугунги кунда аҳоли СИУларга етказиб берган сув хизмати учун тўловларни амалга оширмаяпти. Жумладан, **СИУ раҳбарияти Қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан шартнома тузиб, фуқарролардан етказиб берилган сув хизмати учун нақд пул йиғиб олмоқдалар. Бироқ, Қишлоқ фуқарролар йиғини ҳам фуқарролар ҳам СИУ аъзоси эмас. Демак, фуқарролардан етказиб берилган сув хизмати учун олинган пул тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадга киради. Бу эса, СИУларнинг солиқ тўловларини тўлаш мажбуриягини келтириб чиқаради.**

Юқорида келтирилган далилларни эътиборга олган ҳолда фуқарроларни ёки Қишлоқ фуқаролар йиғинини СИУга аъзо қилиб олиш

мақсадға мувофиқ. Буни амалға ошириш учун **СИУларнинг таъсис шартномасига Қишлоқ фуқаролар йигинини аъзо қилиб киритиш ва уни СИУнинг умумий йиғилишида тасдиқлаб олиши лозим.**

Мисол учун, Қишлоқ фуқаролар йигини томонидан тайинлаган масъул шахс “Гулзор” маҳалласида яшовчи фуқаролардан 2010 йилда етказиб берилган сув хизмати учун 500 минг сўм пул йиғиб (пул топширган фуқаролар рўйхати илова қилинган ҳолда) СИУ кассасига топширди. СИУ бухгалтери пул топширувчи номига кирим касса ордери ёзиб ўзи ва кассир имзо қўйиб, муҳр босиб ордернинг квитанциясини пул топширувчига беради. Кассир кирим касса ордерига асосан пулни кассага кирим қиласди.

Кассага кирим қилинган пул белгиланган тартибда банкка топширилади ва СИУ нинг банқдаги ҳисоб рақамига ўтказилади. Уни бухгалтерия ҳисобваракларда (проводка) 5.3.1-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

5.3.1-жадвал

**СИУ аъзоси бўлмаган аҳолидан ёки Қишлоқ фуқаролари йигинидан
қабул қилинган маблағларни бухгалтерия ҳисобваракларда
акс эттириш тартиби**

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобвараклар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Фуқаролардан йиғилган пул кассага кирим қилинди	500	5010	4010
2	Кассага кирим қилинган пул банкка топширилди	500	5110	5010

Қишлоқ фуқаролар йигини ёки фуқарро СИУ аъзоси сифатида етказиб берилган сув хизмати учун юқоридаги мисолда кўрсатилган пулни аъзолик бадали сифатида тўласа, у бухгалтерия ҳисобваракларда қўйдаги тартибда акс эттириб киримга олинади (5.3.2-жадвал).

5.3.2-жадвал

СИУ аъзоси бўлган аҳолидан ёки Қишлоқ фуқаролари йигинидан қабул қилинган маблағларни бухгалтерия ҳисобварақларда акс эттириш тартиби

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Фуқаролардан аъзолик бадали сифатида йигилган пул кассага кирим қилинди	500	5010	8830
2	Кассага кирим қилинган пул банкка топширилди	500	5110	5010

5.4. СИУларда етказиб берилган сув хизмати учун натура ҳолда ҳисоб-китобни амалга ошириш

Бугунги кунда кўпгина СИУлар айрим сув истеъмолчиларидан етказиб берилган сув хизмати учун натура ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб олмоқда. Лекин, уни бухгалтерия акс эттиришда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Шунинг учун натура ҳолда қабул қилинган қишлоқ хўжалик маҳсулотини бухгалтерияда тўғри акс эттириш лозим.

Мисол учун, “Нуробод” СИУси 2010 йилда етказиб берган сув хизмати учун “Фарҳод” номли фермер хўжалигидан 2000 минг сўмга 5 тонна буғдой қабул қилиб олди. Олинган буғдой ишчи ходимларнинг аризасига кўра уларга сотилди ва уларнинг аризасига кўра буғдойнинг пули иш ҳақларидан ушлаб қолинди. Уни бухгалтерия ҳисобварақларда (проводка) 5.4.1-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

5.4.1-жадвал

**СИУ томонидан етказиб берилган сув хизмати учун натура ҳолда олинган
қишлоқ хўжалик маҳсулотларни бухгалтерия ҳисобварақларда акс
эттириш тартиби**

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	“Фарҳод” фермер хўжалигидан 5 тонна буғдой сотиб олинди	2000	2910	6010
2	“Фарҳод” фермер хўжалигининг сув хизматидан бўлган қарзи олинган буғдой пули ҳисобидан камайтирилди.	2000	6010	4010
3	Ишчи ходимларга 5 тонна буғдой сотилди	2000	4790	9020
4	Сотилган буғдой пули иш ҳақидан ушланди	2000	6710	4790
5	Сотилган буғдойни таннархи ҳисобдан чиқарилди	2000	9120	2910
6	Ҳисобот даврининг охирида 9020 ҳисобварақнинг ёпилиши	2000	9020	9910
7	Ҳисобот даврининг охирида 9120 ҳисобварақнинг ёпилиши	2000	9910	9120

Шунга эътибор қаратиш керакки, **СИУ омборидан сотилган товарлар тадбиркорлик фаолиятига тегишили бўлганлиги сабабли олинган даромад белгиланган тартибда солиқча тортилади.**

5.5. СИУлар балансида бўлган ички ариқларни фермер хўжаликлари томонидан тозалаганда қилинган сарф-харажатларни ҳисобга олиш

СИУлар балансида бўлган ички ариқларни фермер хўжаликлари томонидан тозалаганда қилинган сарф-харажатларни фермернинг СИУ олдидаги қарзини камайтириш мақсадида қабул қилинганда, бажарилган ишнинг олди-берди далолатномаси тузилади. **Далолатнома ишни бажарган фермер ва ишни қабул қилувчи СИУ томонидан тузилади ҳамда улар имзо қўйиб, муҳр босиб тасдиқлайдилар. Бу шароитда фермер ҳақиқатда қилган ҳаражатини хужжатлар билан асослаб бериши керак.**

Мисол учун, “Алишер” номли фермер хўжалиги “Бунёдкор” номли СИУ балансида бўлган 2 км бетон ариқни лойқадан тозалаш учун 800 минг сўм

харажат қилди. СИУ рахбарияти фермер хўжалиги билан келишган ҳолда далолатнома тузиб бажарилган ишни ўз ҳисобига қабул қилиб олди ва фермер хўжалигининг СИУ олдидаги қарзини камайтирди. Уни бухгалтерия ҳисобварақларда (проводка) 5.5.1-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

5.5.1-жадвал

СИУлар балансида бўлган ички ариқларни фермер хўжалиги томонидан тозалаганда қилинган сарф-харажатларни бухгалтерия ҳисобварақларда акс эттириш тартиби

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобвараклар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Фермер хўжалигидан далолатномага асосан ариқни тозалаш учун қилинган харажат қабул қилиб олинди	800	2010	6010
2	Фермер хўжалигининг СИУ олдидаги қарзи бажарилган иш ҳисобидан камайтирилди	800	6010	4010

5.6. СИУ ишчи ходимининг фермер хўжалигидан бўлган қарзини фермернинг СИУ олдидаги қарзига қоплашни ҳисобга олиш

Айрим СИУлар ишчи ходимларининг аризасига кўра иш ҳақидан бўлган қарзларини фермерларнинг СИУ олдидаги қарзларини камайтиришга асоссиз йўналтироқдалар. Чунки, СИУ ходими қайси фермер хўжалигидан қанча микдорда қарзи бор ва бу қарз нима сабабдан пайдо бўлгани аниқ эмас.

Ишчи ходим иш ҳақидан бўлган қарзини қайсиdir фермер хўжалигининг СИУ олдидаги қарзини қоплаш учун йўналтироқчи бўлса, ушбу фермер СИУ ишчи ходимининг ундан қанча қарзи борлигини ва у нима сабабдан пайдо бўлганлиги тўғрисида маълумотнома бериши лозим.

Фермер томонидан берилган маълумотнома ҳамда ишчи ходимнинг иш ҳақидан бўлган қарзини фермер хўжалигининг СИУ олдидаги қарзини қоплаш учун йўналтиришини сўраб ёзган аризаси кенгashiда кўриб чиқиб, тасдиқлангандан кейин СИУ рахбарияти, фермер ва ишчи ходим ўртасида қарзни бошқа тўловчи ҳисобига уч

тomonлама кечиши далолатномасини (Акт уступка долга) тузиб амалга ошириш мумкин.

Мисол учун, “Бунёдкор” СИУси ишчиси Ахмедов Жамол “Алишер” фермер хўжалигининг берган маълумотномасига кўра, Ахмедов Жамол фермер хўжалигидан 500 кг буғдой олиб 200 минг сўм қарздор бўлиб қолган. “Бунёдкор” СИУси Ахмедов Жамолдан иш ҳақи ҳисобидан 300 минг қарздор бўлган. “Алишер” фермер хўжалиги сув етказиб бериш хизматидан СИУдан 1000 минг сўм қарздор бўлган. Ахмедов Жамол ўз ойлик маошидан 200 минг сўмини “Алишер” фермер хўжалиги олдидағи қарзини қоплаш бўйича СИУ раҳбариятига ариза берган. Ахмедов Жамолнинг аризаси ва фермер хўжалиги томонидан берилган маълумотнома СИУ Кенгашида ўрганиб чиқиб, Ахмедов Жамол аризасини қаноатлантиришни маъқуллади. Уни бухгалтерия ҳисобваракларда (проводка) 5.6.1-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

5.6.1-жадвал

**СИУ ишчи ходимининг фермер хўжалигидан бўлган қарзини фермернинг
СИУ олдидағи қарзига қоплашда бухгалтерия ҳисобваракларда акс
эттириш тартиби**

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобвараклар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Ахмедов Жамолнинг аризаси ва кенгашнинг қарорига асосан ойлик маоши “Алишер” фермер хўжалигининг СИУ олдидағи қарзини камайтиришга йўналтирилди	200	6710	4010

5.7. СИУ томонидан ишлаб чиқилган харажатлар сметасида киритилган захира фондини ҳисобга олиш

СИУларнинг харажатлар сметасида жами харажатга нисбаттан захира фондини ташкил этиш учун ажратма ҳисоблаш белгиланган.

Мисол учун, “Аҳмаджон” СИУнинг 2010 йил учун тузган харажатлар сметасида жами харажат 50000 минг сўм бўлиб, шундан 2500 минг сўм захира

фонди учун ажратма ҳисобланган. Уни бухгалтерия ҳисобварапарда (проводка) 5.7.1-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

5.7.1-жадвал

СИУ томонидан ишлаб чиқилган харажатлар сметасида киритилган захира фонди учун ажратма ҳисоблашни бухгалтерия ҳисобварапарда акс эттириш тартиби

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобвараклар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Захира фонди учун ажратма ҳисобланди.	2500	9430	8520

5.8. СИУлар бухгалтериясида ҳисбот даври охрида транзит счетлар ҳисобварагини ёпиш тартиби

СИУлар бухгалтериясида ҳисбот даври охрида транзит счёtlарни ёпиш қўйдаги тартибда амалга оширилади.

Мисол учун, “Аҳмаджон” СИУнинг бухгалтериясида қўйдаги транзит счёtlар ҳисобварагида қўйдагича маблағлар ёпилмай қолган:

9030 счёт ҳисобварагида (ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар) - 25000 минг сўм;

9130 счёт ҳисобварагида (бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар таннахии) - 15000 минг сўм;

9330 счёт ҳисобварагида (ундирилган жарима, пеня ва устамалар) - 200 минг сўм;

9420 счёт ҳисобварагида (маъмурий харажатлар) - 7000 минг сўм;

9430 счёт ҳисобварагида (бошқа опперацион харажатлар) -3200 минг сўм.

СИУлар бухгалтериясида ҳисбот даври охрида транзит счетлар ҳисобварагини ёпиш тартиби 5.8.1-жадвалда келтирилган.

5.8.1-жадвал

**СИУларда ҳисобот даври охирида транзит счетлар ҳисобварағини ёпиш
ва уни акс эттириш тартиби**

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобвараклар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Ҳисобот даврининг охирида 9020 ҳисобварақнинг ёпилиши	25000	9020	9910
2	Ҳисобот даврининг охирида 9120 ҳисобварақнинг ёпилиши	15000	9910	9120
3	Ҳисобот даврининг охирида 9330 ҳисобварақнинг ёпилиши	200	9330	9910
4	Ҳисобот даврининг охирида 9420 ҳисобварақнинг ёпилиши	7000	9910	9420
5	Ҳисобот даврининг охирида 9430 ҳисобварақнинг ёпилиши	3200	9910	9430

**VI. СУВ ИСТЕМЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИ ТОМОНИДАН ЯНГИ ТЕХНИКА
СОТИБ ОЛИШ УЧУН БАНКЛАРДАН ОЛИНГАН КРЕДИТЛАРНИ ҲИСОБГА
ОЛИШ ТАРТИБИ**

**6.1. СИУ томонидан банкдан олинган узоқ муддатли кредитлари ҳисобига
техника сотиб олиш ва уни бухгалтерияда акс эттириш**

Бугунги кунда СИУларни техник ва технологик даражасини ошириш мақсадида турли ҳил чет эл донорлари ва маҳаллий кредитларни жалб қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Шу нүктай назардан, техника ва технологияларни сотиб олиш учун олинадиган кредитларни СИУ бухгалтериясида ҳисобга олиш ва юритиш муҳим аҳамият касб этади.

Мисол учун, “Ахмаджон” номли СИУ янги техника сотиб олиш учун йиллик устама ҳақи 7 фоиз, қайтариш муддати 10 йил бўлган узоқ муддатли кредит олиш учун 50 000 минг сўмлик шартнома тузиб кредит олди. Олинган кредитнинг узоқ муддатли қисми 45 000 минг сўм жорий қисми 5 000 минг сўм. Олинган кредит учун жорий йилда 7 фоизли устама 3 500 минг сўм ҳисобланди. Уни бухгалтерия ҳисобварақларда (проводка) 6.1.1-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

6.1.1-жадвал

**СИУ томонидан банкдан олинган узоқ муддатли кредитларни бухгалтерия
ҳисобварақларда акс эттириш тартиби**

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Шартномага асосан узоқ муддатли кредит олинди	45 000	5110	7810
2	Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми	5 000	7810	6950
3	Олинган кредит фоиз ҳисобланганда	3 500	9610	6920

Агар узоқ муддатли кредит чет эл банкидан валютада олинган ва у валюта ҳисобида қайтарилиши лозим бўлса валюта курси ўзгаришини ҳисобга олиб ҳар ойнинг охирида курс фарқлари аниқланиб узоқ муддатли кредитнинг миллий валютадаги фарқига қўшиб борилади.

Мисол учун, “Ахмаджон” номли СИУ шартномага асосан чет эл банкидан техника сотиб олиш учун йиллик устама ҳақи 4%, 50 минг АҚШ доллари узоқ муддатли кредит олди. Кредит олинган кунда валюта курси 1670 сүм. Олинган кредитнинг миллий валютадаги қиймати 83 500 минг сүм (50 минг АҚШ доллари*1670 сүм).

Бир ойдан кейин валюта курси ўзгариб 1675 сүмга етганлиги натижасида 250 минг сүм валюта курси фарқи пайдо бўлди (50 минг АҚШ доллари * 1675 сүм – 83 500 минг сүм). Уни бухгалтерия ҳисобварагларда (проводка) 6.1.2-жадвалда келтирилган тартибда акс эттирилади.

6.1.2-жадвал

СИУ томонидан чет эл валдютасида олинган узоқ муддатли кредитларни бухгалтерия ҳисобварагларда акс эттириш тартиби

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Сумма, минг сүм	Ҳисобвараклар корреспонденцияси	
			Дебет	Кредит
1	Шартнома асосида чет эл банкидан олинган кредитнинг узоқ муддатли қисми 45 000\$*1670	75 150	5111	7810
2	Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми 5000 \$*1670	8 350	5111	6950
3	Олинган кредитга фоиз ҳисобланди (83500*4%)	3340	9610	6920
4	Узоқ муддатли кредитга валюта курси фарқи ҳисобланди (45000\$*1675-75150)	225	9620	7810
5	Узоқ муддатли мажбуриятнинг жорий қисмига валюта курси фарқи ҳисобланли 5000 \$*1675-8350)	25	9620	6950

VII. СУВ ИСТЕМЕЛЧИЛАРИ УЮШМАЛАРИДА ДАЬВО ВА ТҮЛОВ МУДДАТИ ЎТГАН ДЕБИТОРЛИК ВА КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ КАМАЙТИРИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Сув истеъмолчилари уюшмаларида узоқ йиллардан буён ундирилмай ёки тўланмай келаётган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд. Ушбу қарзларни тўлов муддати ўтган қисмини ҳисобдан чиқариш ва балансдан ташқари счетда акс эттириш мақсадида Фуқаролик кодексининг қуйидаги моддаларига таянган ҳолда амалга ошириш лозим:

Фуқаролик кодексининг 149-моддаси “Даъво муддати тушунчаси”.

Даъво муддати – шахс ўзининг бузилган хуқуқини даъво қўзғатиш йўли билан ҳимоя қилиши мумкин бўлган муддатdir.

Фуқаролик кодексининг 150-моддаси “Умумий даъво муддати”.

Умумий даъво муддати – уч йил.

Шунингдек қаранг: Олий Суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айrim масалалар тўғрисида”ги 17-сон Қарорининг 5-банди.

Солиқ кодексининг 38-моддаси “Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати”. Давлат солиқ хизмати органи солиқ даври тугагандан кейин 5 йил ичida солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Солиқ тўловчи солиқ даври тугаганидан кейин 5 йил ичida солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишни ёки қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатининг ўтиши фуқаролик қонун хужжатларига мувофиқ тўхтатиб турилади, узилади ва тикланади. СИУ ларда нореал дебитор қарзлар мавжуд бўлса уларни ҳисобдан чиқариш учун қуйдагилар асос бўлади:

- ❶ нореал дебитор қарзни асословчи хужатлар мавжуд бўлганда;
- ❷ таққослаш далолатномалари;
- ❸ эътиroz билдирилган материаллар;
- ❹ ўзаро келишилган ва бошқа бирламчи хужжатлар.

VIII. БУХГАЛТЕРИЯ КИТОБИ ВА ҚАЙДЛАР

СИУ активлари нақд пул маблағларидан, тўлов кўринишида олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва ишчи кучидан, бундан ташқари суғориш ва деренаж инфратузилмасидан, бинолар, транспорт воситалари, жиҳозлар, мебеллар, офис жиҳозларидан ташкил топган. СИУ барча активларни тегишли тарзда бошқариш ва ҳисоб-китобни олиб бориши керак. Шундан келиб чиқсан ҳолда, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва Молия вазирлиги СИУнинг барча барча молиявий битимларининг ҳисоб-китобини олиб борилишини талаб қиласди.

СИУда бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича вазифаларни бажариш учун керак бўладиган бухгалтерия китоблари ва қайдлар:

Ҳисоб-китоблар режаси: бухгалтерия китоблари, ҳисботлар рўйхати ва уларнинг жойлашуви.

СИУ аъзолари ва аъзолари бўлмаганларнинг рўйхати: СИУ томонидан хизмат кўрсатиладиган ер эгалари ва сув истеъмолчиларнинг исмлари рўйхати. Рўйхатда ер майдонлари ва жойлашуви кўрсатилади.

Касса китоби: барча даромадлар ва харажатлар, шу жумладан пул квитанциялари ва тўловлар, пул эквивалентида натура тўловларни қайд қилиш учун қўлланиладиган бухгалтерия китоби.

Ишонч қоғозларини ҳисобга олиш китоби: моддий жавогар шахсларга берилган ишонч қоғозларни қайд қилиш учун қўлланиладиган бухгалтерия китоби.

Тўлов китоби: СИУ фойдасига нақд пул ва натура кўринишида амалга оширилган барча тўловларни қайд қилиш.

Меҳнат кўринишидаги натура тўлов бўйича қайд юритиш китоби: ирригация хизмати учун қайдлар киритиш ва фермер томонидан бадалларнинг тўланганлиги ҳақидаги маълумотларни аниқлаштириш учун ишчи кучи ҳажмини белгилаш (соатбай ва кунбай).

Маҳсулот кўринишидаги натура тўлов бўйича китоб: табиий маҳсулот кўринишидаги СИУ фойдасига амалга оширилган тўловлар (бундан ташқари ушбу ҳол амалда қўлланиладиган натура кўринишидаги тўловлар) қайдини олиб бориш учун ишлатилади.

Техник хизмат кўрсатиш кўринишидаги натура тўлов бўйича китоб: натура тўлов кўринишидаги техника хизматини кўрсатиш билан СИУ фойдасига амалга оширилган тўловлар бўйича қайдлар олиб бориш учун ишлатилади.

Харажатлар бўйича якуний китоб: харажатларни рўйхатдан ўтказиш учун қўлланилади.

Инвентар китоби: хусусий мулқ, бино, суфориш ва деренаж инфратузилмалари, СИУ жиҳозлари ва бошқа барча активлар ҳисоботи учун қўлланилади. Унда актив, серия рақами, харид санаси, нархи, жойлашув манзили кўрсатилади.

Квитанция, счёт, ҳисоб варақ фактуралар учун папкаларда ушбу ҳужжатларнинг кўчирма нусхаси дубликатлари бўлиши лозим.

Банк китоби: ҳар ой очилади ва ёпилади. Маълумотлар ойлик банк балансига мос келиши керак.

Бухгалтерия баланси: СИУнинг умумий молиявий ҳолатини акс эттирувчи китоб.

Даромад ва ҳаражатлар ҳақида ҳисобот: ушбу ҳисобот ҳар ой ва ҳар кварталда ишлаб чиқилиши керак.

Даромад ва ҳаражатлар ҳақида йиллик ҳисботлар. Бухгалтерия маълумотларни тайёрлаш учун ва бюджетни олдинги йиллар билан солиширишга асосланган ҳолда тузишда фойдаланилади.

Сув хизмати ва сув таъминоти бўйича қайдлар. Сув хўжалиги ташкилотлари ва СИУ аъзолари томонидан талаб қилинади. Ушбу қайдлар ўзида қўйдагиларни акс эттириши лозим: манбалардан олинган сув; сувга талабнома; етказиб берилган сув ҳажми ва вақти; сув етказиб берилган санаси вақти – сув етказиб берилгандан сўнг сувдан фойдаланувчи ва мироб томонидан имзоланади.

СИУ бюджети: ирригация хизмати учун тўлов миқдорини белгилаш учун асос бўлувчи келгуси даромад ва ҳаражатларни баҳолаш бўйича ҳужжат.

Аудиторлик текшируви: “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 33-моддасига «Фонд фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш» мувофиқ СИУ ҳар йили ўз фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказади.

Умумий Мажлис ва Кенгаш йиғилиши баённомалари ва ҳисботлари – у СИУ аъзолари танишишлари учун тушунарли бўлиши керак.

Ушбу ҳисобот ва ҳужжатларда барча ўтказилган операциялар ва шартномалар тафсилотлари аниқ кўрсатилиши ҳамда СИУда фаолият юритаётган ходимлар ва аъзоларга тушунарли бўлиши лозим.

Сув истеъмолчилари уюшмаси рўйхатга олувчи давлат идораларига қуйидаги молиявий ва статистик ҳисботларни топширишлари шарт (8.1-жадвал).

8.1-жадвал

**Рўйхатга олувчи ташкилотларга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати
ва топшириш муддатлари**

Солиқ инспекциясига (ННТ рўйхатга олинган жойда)		
Ягона ижтимоий тўлов – 25% (Мехнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобидан)	Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10 санасигача	чораклик
Суғурта тўлови 4,5% (Ходимларнинг ойлик маоши ҳисобидан ушланади)	Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10 санасигача	чораклик
Чораклик баланс	Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25 санасигача	чораклик
Йиллик баланс	Ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 февралигача	йиллик
Ҳалқ банкига (ННТ рўйхатга олинган жойда)		
Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия жамғармасига - 1%	Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 14 санасигача	ойлик
Туман статистикасига (ННТ рўйхатга олинган жойда)		
T1 шакли	Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 4 санасигача	чораклик
T1 шаклига илова	Ҳисобот давридан кейин 15 декабргача	бир марта
Вилоят адлия бошқармасига		
Ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20 санасигача (СИУ фаолияти бўйича қисқача ҳисобот ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳисобот)		чораклик

Тақдим этиладиган ҳисобот шакллари 1-4– иловаларда келтирилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

- 1.“Сув ва сувдан фойдаланувчилар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2009 йил 25 декабр №ЎРҚ-240 (Янги таҳрир).
- 2.“Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2007 йил 28 декабр (Янги таҳрир).
- 3.“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 1996 йил 30 август № 279-I.
- 4.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Расмий нашр – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2003.
- 5.Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Расмий нашр – Т.: Адолат, 2010.
- 6.Бухгалтерлар учун қўлланма. / М.М.Тулаходжаева ва Ш.У. Хайдаровлар таҳрири остида. Тошкент, 2009.
7. <http://www.soliq.uz>

1-ИЛОВА. ТУМАН СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ХИСОБОТ ШАКЛЛАРИ

БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ - 1-сонли шакл БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС - форма N 1

_____ 20__ иилга
на _____ 20__ года

Корхона, ташкилот
Предприятие, организация _____
Тармоқ
Отрасль _____
Ташкилий-хуқукий шакли
Организационно-правовая форма _____
Мулкчилик шакли
Форма собственности _____
Вазирлик, идора ва бошқалар
Министерства, ведомства и другие _____
Солиқ тұловчининг идентификацион раками
Идентификационный номер налогоплательщика
Худуд
Территория
Манзил
Адрес _____
Үлчов бирлиги, минг сүм
Година, месяц, день

БХУТ бўйича 1-шакл	Кодлар / Коды
Форма N 1 по ОКУД	0710001
КТУТ бўйича-по ОКПО-	
ХХТУТ бўйича-по ОКОНХ-	
ТҲШТ бўйича-по КОПФ-	
МШТ бўйича-по КФС-	
ДБИБТ бўйича-по СООГУ-	
СТИР-	
ИНН-	
МҲОБТ-	
СОАТО-	
Жўнатилган сана-	
Дата высылки-	
Қабул қилинган сана-	
Дата получения-	
Тақдим қилиш муддати -	
Срок представления -	

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
АКТИВ			
I. Узок муддатли активлар Долгосрочные активы			
Асосий воситалар: Основные средства:			
Бошлангич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300) Первоначальная (восстановительная) стоимость (0100, 0300)	010		
Эскириш суммаси (0200) Сумма износа (0200)	011		
колдик (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011) Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 010-011)	012		
Номоддий активлар: Нематериальные активы:			
Бошлангич қиймати (0400) Первоначальная стоимость (0400)	020		
Амортизация суммаси (0500) Сумма амортизации (0500)	021		
колдик (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021)	022		

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 020-021)			
Узок муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080), шу жумладан: Долгосрочные инвестиции, всего (стр.040+050+060+070+080), в том числе:	030		
қимматли коғозлар (0610) Ценные бумаги (0610)	040		
Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620) Инвестиции в дочерние хозяйствственные общества (0620)	050		
қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630) Инвестиции в зависимые хозяйствственные общества (0630)	060		
Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640) Инвестиции в предприятие с иностранным капиталом (0640)	070		
Бошқа узок муддатли инвестициялар (0690) Прочие долгосрочные инвестиции (0690)	080		
Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700) Оборудование к установке (0700)	090		
Капитал қўйилмалар (0800) Капитальные вложения (0800)	100		
Узок муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940) Долгосрочная дебиторская задолженность (0910, 0920, 0930, 0940)	110		
Узок муддатли кечикирилган харажатлар (0950, 0960, 0990) Долгосрочные отсроченные расходы (0950, 0960, 0990)	120		
I бўйим бўйича жами (сатр. 012+022+030+090+100+110+120) Итого по разделу I (стр. 012+022+030+090+100+110+120)	130		
II. Жорий активлар II. Текущие активы			
Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180), шу жумладан:	140		
Товарно-материальные запасы, всего (стр.150+160+170+180), в том числе:			
Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600) Производственные запасы (1000, 1100, 1500, 1600)	150		
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700) Незавершенное производство (2000, 2100, 2300, 2700)	160		
Тайёр маҳсулот (2800) Готовая продукция (2800)	170		
Товарлар (2900 дан 2980 нинг айрмаси) Товары (2900 за минусом 2980)	180		
Келгуси давр харажатлари (3100) Расходы будущих периодов (3100)	190		
Кечикирилган харажатлар (3200) Отсроченные расходы (3200)	200		
Дебиторлар, жами (сатр.220+240+250+260+270+280+290+300+310) Дебиторы, всего (стр.220+240+250+260+270+280+290+300+310)	210		
шундан: муддати ўтган из нее: просроченная	211		
Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг	220		

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
айирмаси) Задолженность покупателей и заказчиков (4000 за минусом 4900)			
Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110) Задолженность обособленных подразделений (4110)	230		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120) Задолженность дочерних и зависимых хозяйственных обществ (4120)	240		
Ходимларга берилган бўнаклар (4200) Авансы, выданные персоналу (4200)	250		
Мол етказиб берувчилар ва пурдатчиларга берилган бўнаклар (4300) Авансы, выданные поставщикам и подрядчикам (4300)	260		
Бюджетга солиқ ва йигимлар бўйича бўнак тўловлари (4400) Авансовые платежи по налогам и сборам в бюджет (4400)	270		
Максадли давлат жамғармалари ва сугурталар бўйича бўнак тўловлари (4500) Авансовые платежи в государственные целевые фонды и по страхованию (4500)	280		
Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600) Задолженность учредителей по вкладам в уставный капитал (4600)	290		
Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700) Задолженность персонала по прочим операциям (4700)	300		
Бошқа дебиторлик қарзлари (4800) Прочие дебиторские задолженности (4800)	310		
Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан: Денежные средства, всего (стр.330+340+350+360), в том числе:	320		
Кассадаги пул маблағлари (5000) Денежные средства в кассе (5000)	330		
Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100) Денежные средства на расчетном счете (5100)	340		
Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200) Денежные средства в иностранной валюте (5200)	350		
Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700) Прочие денежные средства и эквиваленты (5500, 5600, 5700)	360		
қисқа муддатли инвестициялар (5800) Краткосрочные инвестиции (5800)	370		
Бошқа жорий активлар (5900) Прочие текущие активы (5900)	380		
II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380) Итого по разделу II (стр. 140+190+200+210+320+370+380)	390		
Баланс активи бўйича жами (сатр.130+390) Всего по активу баланса (стр.130+стр.390)	400		

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода	
		1	2	3
ПАССИВ I. Ўз маблағлари манбалари I. Источники собственных средств				
Устав капитали (8300)	410			
Уставный капитал (8300)				
Кўшилган капитал (8400)	420			
Добавленный капитал (8400)				
Резерв капитали (8500)	430			
Резервный капитал (8500)				
Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)	440			
Выкупленные собственные акции (8600)				
Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар) (8700)	450			
Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток) (8700)				
Максадли тушумлар (8800)	460			
Целевые поступления (8800)				
Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900)	470			
Резервы предстоящих расходов и платежей (8900)				
I бўйича жами (сатр.410+420+430-440+450+460+470)	480			
Итого по разделу I (стр.410+420+430-440+450+460+470)				
II. Мажбуриятлар II. Обязательства				
Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+520+530+540+550+560+570+580+590)	490			
Долгосрочные обязательства, всего (стр.500+520+530+540+550+560+570+580+590)				
шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+530+540+560+590)	491			
в том числе: долгосрочная кредиторская задолженность (стр.500+520+540+560+590)				
Мол етказиб берувчилар ва пурратчиларга узоқ муддатли қарз (7000)	500			
Долгосрочная задолженность поставщикам и подрядчикам (7000)				
Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)	510			
Долгосрочная задолженность обособленным подразделениям (7110)				
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)	520			
Долгосрочная задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам (7120)				
Узоқ муддатли кечикирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)	530			
Долгосрочные отсроченные доходы (7210, 7220, 7230)				
Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечикирилган мажбуриятлар (7240)	540			
Долгосрочные отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (7240)				
Бошқа узоқ муддатли кечикирилган мажбуриятлар (7250, 7290)	550			
Прочие долгосрочные отсроченные обязательства (7250, 7290)				
Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар (7300)	560			
Авансы, полученные от покупателей и заказчиков (7300)				
Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)	570			
Долгосрочные банковские кредиты (7810)				

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Узок муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840) Долгосрочные займы (7820, 7830, 7840)	580		
Бошқа узок муддатли кредиторлик қарзлар (7900) Прочие долгосрочные кредиторские задолженности (7900)	590		
Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+710+ +720+730+740+750+760)	600		
Текущие обязательства, всего (стр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+ +710+720+730+740+750+760)			
шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+ +700+710+720+760) в том числе: текущая кредиторская задолженность (стр.610+630+650+670+680+690+ +700+710+720+760)	601		
шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари из нее: просроченная текущая кредиторская задолженность	602		
Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000) Задолженность поставщикам и подрядчикам (6000)	610		
Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110) Задолженность обособленным подразделениям (6110)	620		
Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120) Задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам (6120)	630		
Кечикирилган даромадлар (6210, 6220, 6230) Отсроченные доходы (6210, 6220, 6230)	640		
Солик ва мажбурий тўловлар бўйича кечикирилган мажбуриятлар (6240) Отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (6240)	650		
Бошқа кечикирилган мажбуриятлар (6250, 6290) Прочие отсроченные обязательства (6250, 6290)	660		
Олинган бўнаклар (6300) Полученные авансы (6300)	670		
Бюджетта тўловлар бўйича қарз (6400) Задолженность по платежам в бюджет (6400)	680		
Суғурталар бўйича қарз (6510) Задолженность по страхованию (6510)	690		
Максадли давлат жамғармалариға тўловлар бўйича қарз (6520) Задолженность по платежам в государственные целевые фонды (6520)	700		
Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600) Задолженность учредителям (6600)	710		
Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700) Задолженность по оплате труда (6700)	720		
Қисқа муддатли банк кредитлари (6810) Краткосрочные банковские кредиты (6810)	730		
Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840) Краткосрочные займы (6820, 6830, 6840)	740		
Узок муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950) Текущая часть долгосрочных обязательств (6950)	750		
Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)	760		

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
1	2	3	4
Прочие кредиторские задолженности (6900 кроме 6950)			
II бўлим бўйича жами (сатр.490+600) Итого по разделу II (стр.490+600)	770		
Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770) Всего по пассиву баланса (стр.480+770)	780		

**БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁТЛАРДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН
ҚИЙМАТЛИКЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ**

**СПРАВКА О НАЛИЧИИ ЦЕННОСТЕЙ, УЧИТЫВАЕМЫХ
НА ЗАБАЛАНСОВЫХ СЧЕТАХ**

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код стр.	Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода	Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода
Киска муддатли ижарага олинган асосий воситалар (001) Основные средства, полученные по краткосрочной аренде (001)	790		
Масъул саклашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар (002) Товарно-материальные ценности, принятые на ответственное хранение (002)	800		
Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар (003) Материалы, принятые в переработку (003)	810		
Комиссияга қабул қилинган товарлар (004) Товары, принятые на комиссию (004)	820		
Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар (005) Оборудование, принятое для монтажа (005)	830		
Қатъий ҳисобот бланкалари (006) Бланки строгой отчетности (006)	840		
Тўловга қобилиятсиз дебиторларнинг заарга ҳисобдан чиқарилган қарзи (007) Списанная в убыток задолженность неплатежеспособных дебиторов (007)	850		
Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (008) Обеспечение обязательств и платежей - полученные (008)	860		
Берилган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (009) Обеспечение обязательств и платежей - выданные (009)	870		
Узок муддатли ижара шартномасига асосан берилган асосий воситалар (010) Основные средства, сданные по договору долгосрочной аренды (010)	880		
Ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар (011) Имущество, полученное по договору ссуды (011)	890		
Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар (012) Расходы, исключаемые из налогооблагаемой базы	900		

следующих периодов (012)			
Вактингчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича) (013) Временные налоговые льготы (по видам) (013)	910		
Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари (014) Инвентарь и хозяйственные принадлежности в эксплуатации (014)	920		

Рахбар
Руководитель _____

Бош бухгалтер
Главный бухгалтер_____

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ
ҲИСОБОТ - 2-сонли шакл**

ОТЧЕТ О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ - форма N 2

_____ 20__ йил учун
за _____ 20__ год

БХУТ бўйича 1-
шакл
Форма N 1 по
ОКУД

Кодлар Коды
0710002

Корхона, ташкилот
Предприятие, организация _____

КТУТ бўйича-
по ОКПО- _____

Тармок
Отрасль _____

ХХТУТ бўйича-
по ОКОНХ- _____

Ташкилий-хукукий шакли
Организационно-правовая форма _____

ТХШТ бўйича-
по КОПФ- _____

Мулкчилик шакли
Форма собственности _____

МШТ бўйича-
по КФС- _____

Вазирлик, идора ва бошқалар
Министерства, ведомства и другие _____

ДБИБТ бўйича-
по СООГУ- _____

Солиқ тўловчининг идентификацион раками
Идентификационный номер налогоплательщика

СТИР-
ИНН- _____

Худуд
Территория

МХОБТ-
СОАТО- _____

Манзил
Адрес _____

Жўнатилган сана-
Дата высылки- _____

Ўлчов бирлиги, минг сўм
Единица измерения, тыс. сум.

Қабул қилинган сана-
Дата получения- _____

Тақдим қилиш
муддати-
Срок
представления- _____

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код строки	Ўтган йилнинг шу даврида За соответствующий период прошлого года		Хисобот даврида За отчетный период	
		Даромад лар (фойда) Доходы (прибыль) Расходы (убытки)	Харажат лар (зарарап) Расходы (убытки)	Даромад лар (фойда) Доходы (прибыль) Расходы (убытки)	Харажат лар (зарарап) Расходы (убытки)
1	2	3	4	5	6
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соғ тушум Чистая выручка от реализации продукции (товаров, работ и услуг)	010		x		x
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннаҳи Себестоимость реализованной продукции (товаров, работ и услуг)	020	x		x	
Махсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020) Валовая прибыль (убыток) от реализации продукции (товаров, работ и услуг) (стр.010-020)	030				
Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080), шу жумладан: Расходы периода, всего (стр.050+060+070+080), в том числе:	040	x		x	
Сотиш харажатлари Расходы по реализации	050	x		x	
Маъмурий харажатлар Административные расходы	060	x		x	
Бошқа операцион харажатлар Прочие операционные расходы	070	x		x	
Келгусида соликқа тортиладиган базадан чиқариладиган хисобот даври харажатлари Расходы отчетного периода, исключаемые из налогооблагаемой базы в будущем	080	x		x	
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари Прочие доходы от основной деятельности	090		x		x
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090) Прибыль (убыток) от основной деятельности (стр.030-040+090)	100				
Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан: Доходы от финансовой деятельности, всего (стр.120+130+140+150+160), в том числе:	110		x		x
Дивидендлар шаклидаги даромадлар Доходы в виде дивидендов	120		x		x
Фоизлар шаклидаги даромадлар Доходы в виде процентов	130		x		x
Узок муддатли ижара (молиявий лизинг) дан даромадлар Доходы от долгосрочной аренды (финансовый лизинг)	140		x		x
Валюта курси фарқидан даромадлар	150		x		x

Кўрсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр коди Код строки	Ўтган йилнинг шу даврида За соответствующий период прошлого года		Хисобот даврида За отчетный период	
		Даромад лар (фойда) Доходы (прибыль) Расходы (убытки)	Харажат лар (зарарап) Расходы (убытки)	Даромад лар (фойда) Доходы (прибыль) Расходы (убытки)	Харажат лар (зарарап) Расходы (убытки)
Доходы от валютных курсовых разниц					
Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	160		x		x
Прочие доходы от финансовой деятельности					
